Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 22 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 45 (6742)

Даъват

Жаҳонда бор нарса ақлга, ақл эса тажрибага муҳтождир.

Мирзо УЛУҒБЕК

Ибрат

Ғаллаорол туманининг 70 йиллиги муносабати билан ғаллароллик ижодкор ўқитувчи ва тарбиячилар ижодидан саралланган муъжаз тўплам ҳамда туман маорифининг ўтмиши ва бугунидан ҳикоя қилувчи китобча нашрга тайёрланмоқда.

ТАЖРИБА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

ёхуд битирув имтиҳонларининг компьютерда олинишига доир хулосалар

Кейинги пайтларда Тест синовлари халқимиз онгига тез сингиб кетди. Дунё миқёсида кенг қўлланиб келинаётган бу усул ўзининг ҳаққонийлиги, билимлар қатламининг кенг қамровлиги билан республикамизда ўзини оқлади. Олий ўқув юртлари, ўрта билим даргоҳларида кириш ва кундалик билимлар ана шу самарали усул билан ўтказилиб келинмоқда. Тест усули мактаб ҳаётини ҳам бир бўлаги бўлиб қолди десак муболаға бўлмайди. Кузатилган ўқув йили поёнида Тошкент шаҳри мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари катта ҳаётга қадам қўйиш арафасида ялписига замонавий компьютерлар воситасида Тест синовларидан ўтказилдилар. Шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг ташаббуси билан май ойида она тили ва математика ёзма имтиҳонларидан ташқари рус тили, ўзбек тили рус мактабларида, инглиз, француз, немис, химия, физика фанларидан ўзига хос тартибда битириш имтиҳонлари ўтказилди. Аслида Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги баъзи муассасаларда илгари ҳам қисман тажрибалар ўтказилиб келинган эди. Лекин, оммавий бутун шаҳар миқёсида, яъни 300 дан зиёд мактабларда бир йўла ўтказилиши биринчи марта бўлди. Энди ютуқ ва камчиликларни холис талқин этиш вақти келди. Аввало, бу тажрибалар қачон бошланган эди. Иқтидорли дастурчи Фахриддин Ҳасанов томонидан тайёрланган «Супер ТЕСТ» мажмуи педагогика билим юртларига кириш имтиҳонларида ота-оналар, мутахассислар ва абитуриентлар томонидан яхши баҳоланди. Уни ишлатиш осонлиги, баҳолашнинг тезкорлиги ва энг кераклиси «Правец» туридаги компьютерларга мослашганлиги айни муддао деб ҳисобланди. Ҳозир республикамизда 4500 шундай машиналар ўрнатилган. Тошкент шаҳридаги ҳамма мактабларда шундай машиналарнинг борлиги ушбу дастурни қўллашга имкон берди.

Маълумки, 1992-93 ўқув йилидан бошлаб Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида мактабларда битирув имтиҳонларини тест усули билан ўтказиш тажрибаси дастлаб шаҳардаги Сирғали туман мактабларида ўтказилган эди.

Ушбу тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчилар билимини аниқлаш бўйича қўлланилган бундай усул кўпчиликка маъқул бўлиб, ўзини оқлади ҳамда ҳозирги замон талабларига ҳам тўғри келишини исботлади. Чунки, абитуриентлар ўзлари танлаган олий ўқув юртларига кириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Республика тест Маркази томонидан тузилган тестлар асосида имтиҳон топширадилар.

Кейинчалик бу тажриба 1993-94 ўқув йили якунига кўра Мирзо Улуғбек тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ва 1994-95 ўқув йили якунига кўра эса Миробод, Қибрай тумани ва бошқа вилоятлар марказий шаҳарларининг 5 тадан мактабларида давом эттирилди. Бу Тест синовлари асосида ўтказилган туман ва шаҳарлардаги тажрибалар барча мактабларда компьютер ёрдамида амалга оширилди. Буларнинг натижалари ҳам ёмон бўлмади, чунки ўқувчиларнинг ўқув йили давомида олган баҳоларини имтиҳон олувчи компьютер тасдиқлайди.

Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиққан бу йил битирув имтиҳонларини компьютер ёрдамида олишни истовчи 11-синфида битирувчи ўқувчилардан имтиҳонларни ўзини оқлаган усул — компьютер ёрдамида ўтказишга Узбекистон Халқ таълими вазирлиги рухсат берди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир қатор мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ҳам 11-синфни битирувчилар сингари имтиҳонларни компьютер ёрдамида топширдилар.

Шу билан бирга Тошкент вилояти Қибрай, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл ва бошқа вилоятларнинг 3 тадан мактабларида ҳам айни шу усулда имтиҳон топширдилар.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун ҳам аввалдан тайёргарлик бор эди.

Масалан: ўтган йили ўқувчиларнинг турли фанлардан олган билимларини аниқлашда кўп баллик ва рейтинг тизимидан фойдаланиш усулини ишлаб чиқиб барча мак-

(Давоми 2-бетда)

КОМИЛЛИК ЙЎЛИГА ИЛК ҚАДАМ



Ҳаёт — фалсафа. Фалсафа дейдики, инсон умри Комиллик Манзили томон интилувчи дақиқалар. Яна айтадики, бу Манзилга етиш йўлининг ўз воситалари бор: Маърифат водийси, Ҳақиқат водийси. Ва мазкур бекатлар ниҳояси — Комиллик. Бунгача эса ҳали узоқ...

Ушбу кунларда мамлакатимиздаги гурас-гурас ёшлар Маърифатни адо этиб, Ҳақиқат водийсига қадам қўйдилар, Комиллик томон яна бир қарич яқинлашдилар.

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги 49-ўрта мактаб битирувчилари ҳам етуклик шаҳодатномаларини олишди. Ва муаллимлар, ота-оналарнинг «Оқ йўл»и етовида Ҳақиқатнинг тагига етмоққа, Комилликнинг қўлидан тутмоққа шайланиб туришибди.

А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги хитой тилига ихтисослашган Қўқор Турдиев номли 59-мактаб ўтган чоршанба куни ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бунинг боиси битирувчи ўқувчиларнинг тантанали «Битирув кечаси»дир. Бу йил мактаб эллигинчи марта ўз ўқувчиларини мустақил ҳаёт сари йўллади.

Байрам тантанасига фарзандларини ҳозирги ҳаяжонли дақиқаларда кўришни орзу қилган ота-оналар, ўзларининг барча билимлари, меҳрларини ана шу ўқувчиларга улашган азиз устозлар, маҳалла фаоллари, туман халқ таълими бўлими ходимлари ташриф буюришди.

Кечада мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Санобар Камолова битирувчиларни чин дилдан муборакбод этиб, уларга мустақил Ватанимиз келажагининг ҳақиқий бунёдкорлари бўлиб етишишларини тилади. Шунингдек, ўқитувчилардан Васила Мусаева, Бадриддин Насриддинов, Зайтуна Маликова, Вера Васильевна Кай Су ҳамда ота-оналар дил изҳорларини баён этишди.

Мазкур даргоҳда таҳсил олган 32 ўғил-қизга ўрта мактабни битирганлиги ҳақида шаҳодатнома тантанали равишда топширилди. Улар орасида Жамшид Сулаймоновнинг номи алоҳида тилга олинди. Чунки у хитой тили бўйича ўтказилган республика олимпиадасининг голиби, Шарқшунослик институтининг талабаси эди.

Тантанали байрам сўнгида ўқувчилар меҳрибон устозлари ўргатган ўгитларга доимо амал қилишга, жонажон ўлкамизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб улушларини қўшишга ваъда бердилар.

Д. ХЎЖАЕВА.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Австралиянинг «Вестерн майнинг корпорейшн» компанияси бошқаруви директори Хью Морган раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

❀ 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Италия Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашади.

❀ Эришилган ахдномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 23—28 июнь кунлари АҚШда бўлади.

❀ Россиядаги президент сайловларида 15 фоиз овоз олган Александр Лебед билан бўлган учрашувда Президент Борис Ельцин унинг Хавфсизлик Кенгаши котиби ҳамда Россия Президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси лавозимига тайинлаганлиги тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

❀ Россия ҳукумати раиси биринчи ўринбосари О. Сосковец, федерал хавфсизлик хизмати бошлиғи М. Барсуков ва президент хавфсизлиги хизмати бошлиғи А. Коржаков ўз лавозимларидан бўшатилди. Президент Борис Ельцин бу қарорга хавфсизлик кенгаши йиғилишидан ҳамда В. Черномирдин билан бўлган суҳбатдан сўнг келган.

❀ АҚШнинг 1995 йилда ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган ёрдами 25 фоизни ташкил этди. Бу борада Япония, Франция, Германия олдинда бормоқда.

❀ Франция ва АҚШ ўртасида ядро қуроли ҳақидаги маълумотларни ўзаро алмашиш ҳақида келишув имзоланди.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

АҚШнинг музёрар кемаси Антрактидада илмий изланишлар олиб бораётган рус олимларига ёрдам тариқасида тўрт тонна озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берди.

КОМПЬЮТЕР УЧУН КУРАШ

АҚШ студентлари компьютер тармоғига боғланмасликни университетлар учун жиддий камчилик деб ҳисобламоқдалар. Улар компьютер техникаси билан яхши таъминланган университетлар олдида илм-фанда рақобатлашиш қийинлашиб бормоқда, демоқдалар.

ЯНГИЧА ДАРС

Техаснинг Вислиан университетининг кимё профессори Боб Лэндолт жонкуяр устоз сифатида донг таратмоқда. У илмий масалаларни яхшироқ тушунтириб бериш учун дарсларни олийгоҳ боғларида ҳамда заводларда ўтказа бошлади.

ЎҚИШ ТЎЛОВИ ОШДИ

Канаданинг янги консерваторлар ҳукумати олий таълим учун давлат бюджетидан маблағни камайтирди ҳамда университетларга ўқиш тўловини оширишга рухсат берди.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ОБРЎЛИ ОРЗУ

Канаданинг Торонто университети аҳоли фикрини ўрганишда яхши натижаларга эришишни асосий мақсад деб билади. Раҳбарият сарф-харажатлар ўлкан бўлиши рақобат кули эканлигига қарамай обрўли орзудан воз кечмаяпти.

ШОҲНИНГ ИЛМИЙ УНВОНИ

Иордания қироли Ҳусайнга Нью-Йорк университетидан кутилмаган хушхабарни етказишди. Эндиликда, Қирол фахрли илмий унвонни қабул қилиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

КОВЛАШ КАМАЯДИ

Исроил ҳамда Фаластиннинг илмий текшириш институтлари янги ўзгаришларни амалга оширишга киришдилар. Улар кейинги йилларда кўпайиб кетган археологик қазиш ишларини камайтирмоқдалар.

КУЧЛИ МАОРИФ — БУЮК КЕЛАЖАК

Австралияда илмий изланиш институтларининг олимлари мамлакат тараққиётида маорифни моддий қуллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутади, дейишмоқда. Ҳамда ҳукуматни амалий чоралар кўришга чақирмоқда.

Мунозара, мулоҳаза, таклиф

МАЛАКА ҚАЙ ВАҚТДА ОШИРИЛАДИ?

Мамлакатимизда олий педагогика ислоҳоти, унинг мазмунини янгилаш борасида ҳам ижобий силжишлар юз бермоқда. Бунга «Таълим ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, «Олий таълим концепцияси»нинг яратилаётганлиги яққол далилдир. Галдаги вазифа — мактаб, олий ва ўрта таълим тизимида ҳаётда ўзини оқлаган анъаналарни сақлаб қолган ҳолда истиқлолимизга Узбекистон қудратининг юксалишга хизмат қиладиган жаҳон тажрибалари асосида янгиланган билим, технологияни яратишдан иборат. Зеро, президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: **«Янги билимларни эгалламасдан туриб, бундан буёғига ҳаракатлана олмаймиз».** Маълумки, эски билим билан қуролланган мутахассисларнинг замон талабларидан орқада қолмаслигини аввал ҳам, ҳозир ҳам давлат ўз зиммасига олган ва шундай бўлиб келмоқда. Гап халқ таълими соҳасидаги малака ошириш ҳақида бораётир.

Инсон дунёга келиб, бирор ҳунар ёки илмни эгаллагандан сўнг устоздан ўрганганлари ва олий (ёки ўрта) билим юртларида олган билимлари билан чегараланиб қолиши мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Айниқса, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, эгаллаган ихтиросларини вақти-вақти билан такомиллаштириб туриш мақсадида давлатимиз малака ошириш институтларини, методика марказларини маблағ билан таъминлаб, унга давлат аҳамиятига молик иш деб қарамоқда. Аслида-ку бу бозор иқтисоди тамойилларига мос келмайди, чунки ҳар бир мутахассис ўз хизмат урнини сақлаб қолиш учун курашиши, бошқача айтганда, ҳар бир ходим ўз малакасини ўзи ошириш устида ўйлаши, қайғуриши лозим, акс ҳолда, ўзидан қучлироқ мутахассисга ўрнини бўшатиб бериши лозим бўлади. Эҳтимол, бозор иқтисодига тўла ўтилган вақтда ва халқ таълими тизимлари маблағ билан, мутахассислар билан етарли таъминланган даврда (бунга ишончимиз комил) малака ошириш институтларига ва ҳозиргидек малака ошириш тартибларига барҳам берилиши мумкин бўлар.

Бозор иқтисоди талаблари асосида малака ошириш деганда биз муайян мутахассиснинг давлат, ҳукумат, вазирликнинг молиявий аралашувисиз ўз билим, тушунча ва тажрибаларини такомиллаштириш, янги методика ва технологияларни эгаллаб боришларини тушунамиз, яъни янги шароитда ҳар бир мутахассис ўз соҳаси бўйича изланишни тинмай давом эттиришини яхши англаб етган бўлиши лозим.

Бундай онг халқ таълими ходимларида қай вақтда шаклланади, деган савол туғилади. Албатта, бунинг учун, биринчидан ҳар бир мутахассис ўз фанига фидойи бўлиши лозим. Иккинчидан, иқтисодда рақобат қонунига амал қилинганидек, таълим соҳасида ҳам педагоглар ўртасида рақобат юзага келиши керак. Ана шундагина бир томондан, ўрта мактаб (лицей)лардаги, иккинчи томондан, олий ўқув юртларидаги таълим сифати ошади.

Илғор тажрибага муҳтожлик ҳар қандай давлатда ва жамиятда, ташкилотда мавжуд.

Бозор иқтисодига ўтиш даврида, эски билим ва тушунчалар ҳамон устунлик қилаётган ҳамда якка тартибда ёки иш ва яшаш жойида малака оширишга имконият ҳали етилмаган даврда бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, бу масалада И. А. Каримов таъбири билан айтганда, **«фаол ислоҳотчи — давлат»** зарур. Давлат томонидан ташкил этилган ва маблағ билан таъминланаётган ҳозирги малака ошириш тизимини сақлаб туриш лозим. Чунки жойларда ва ўрта махсус билим юртлари, мактаб (лицей)лар ходимларининг малакасини, назарий тайёргарлигини оширишга қаратилган билимлар бера оладиган мутахассислар билан таъминланган малака кўрсларини ташкил этиш қийин. Бу ўринда ҳам Президентимизнинг **«... бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассислар ва раҳбарлар йўқ»**, — деган ҳаққоний сўзларини келтириш тўғридир. Ҳақиқатан ҳам, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш ишини замон талабларига мос равишда изланиб, ўз билим ва малакасини

(Давоми 2-бетда)

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

БОЛАЛАР ҚАЛБИДАГИ ВАТАН

Боладай содда ва самимий хилқат бормикан дунёда? Бола қалбининг истаклари, сўзлари, қўшиқлари нақадар беғубор! Бола қалбидаги Ватан-чи, Ватанга муҳаббат-чи, қанчалар соф! Бола ўз юртини, ўз ватанини ҳайрат билан севади. Балки, бола ўзининг бу муҳаббатини ҳали тўла илғамас, аммо бу ҳайрат севгиси кўп ҳолларда, «мен ватанпарварман» деб ҳайқира-рак кўксимизга ургувчи биз катталар муҳаббатидан чандон соф ва чандон улкандир. Шунинг учундир, Ватан ҳақида куйлаётган боланинг кўзлари бепарво боқмайди, порлаб туради — кузатганмисиз? Биз кузатдик. Мана, бохабар бўлинг.

Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танлови бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган, танловнинг асосий иштирокчилари бўлган ўқувчилар ва талабалар Ватан ҳақида кўтаринки руҳ билан куй-қўшиқлар ижро этдилар. Танловда Республика ўқувчилар саройи қошидаги «Бойчечак» хор жамоасига 1-ўрин насиб этганидан хабарингиз бўлса керак. Иккита 2-ўрин учун Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юрти хор жамоаси ва Тошкентдаги 607-болалар боғчасининг кичик «Ғунча» вокал гуруҳ-дастаси ижросидаги куй-қўшиқлар лойиқ деб топилди.

Тошкент шаҳар Ҳунартаълим ўқувчилари Республика маданият уйи ижрочилари ва Навоий давлат педагогика институти хор жамоаси вокал сюитаси ҳамда Нукус давлат педагогика институтининг 3-курс талабаси Элмира Турдибекова ижро этган қўшиқлар ҳам кўпчиликка манзур бўлди, бу қатнашчилар кўрик-танловда 3-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Биз мазкур танловни кузатарканмиз, унинг иштирокчилари ҳақида кўнглимизда илиқ фикрлар уйғонди ва вақти билан улар фаолиятини газета саҳифаларида кенгроқ ёритишни дилимизга тугдик.

Қандай ажойиб фарзандларинг, кўнгли тоза болажонларинг бор — сени қанчалик севишади, мадҳингни қандай жўшиб куйлайдилар, ана, куйлашмоқда! Эшитяпсанми Ўзбекистоним, Ватаним маним!

И. ИСКАНДАР.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ЗИЁД ОҒАНИНГ ТЎЙИ

Ўзбекистон матбуотининг фидойиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими Зиёд Есенбоев номи эл орасида машҳур. Айни пайтда «Ўзбекистон матбуоти» журналини бошқараётган Зиёд оға 75 ёшга тўлди. Тошкентда, «Ўзбекистон» нашриёти залида шу санага бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Йиғилишда отахон журналистнинг дўстлари, шогирдлари ва мухлислари жам бўлишди.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Республикада Халқ таълими вазирлигига Асака туманидан хушхабар келди. Унда маълум қилинишича, Асака педагогика билим юрти биноси, ўқув хоналари, лаборатория, устахоналар, ётоқхона, ошхона... барчаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилибди.

ФИТРАТНИ ЭСЛАБ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети журналистика факультетида улуғ маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган илмий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Кечада Фитратнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти, фалсафий қарашлари борасида маърузалар тингланди. Тошкент маданият техникумининг хонандалар дастаси ижро этган куй-қўшиқлар кечага янада файз бағишлади.

«ХАВФСИЗ ҒИЛДИРАК»КА «ОҚ ЙЎЛ»

Қарши шаҳрида вилоят мактаблари ёш автоназоратчиларининг «Яшил чироқ» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қаршилик болалар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин чироқчилик ёш автоназоратчиларга насиб этди. Чироқчи шарафини тумандаги 108-ўрта мактаб ўқувчиларидан ташкил топган «Оқ йўл» жамоаси ҳимоя қилиб, Фарғона шаҳрида бўладиган «Хавфсиз ғилдирак» мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. «Оқ йўл»га оқ йўл тилаймиз!

МММ

ХАБАРЛАРИ

ИБРАТ КЎРСАТИШДИ

Данғара туманидаги 38-ўрта мактаб жамоасининг ҳам таъмирлаш ишларини қисқа фурсатда якунлаганликлари ҳақида хабар олдик. Мактаб таъмирининг тез ва соз ўтказилишида Маҳбубахон Турсунова, Лобархон Асқарова, Нуриддин Марозиқов, Гулнорахон Мелибоева сингари ўқитувчилар ибрат кўрсатиб, меҳнат қилишди.

МУАЛЛИФЛАР: И. БЎРИБОЕВ, Н. ОЧИЛОВ, Б. БОБОРАҲМАТОВ, Т. ТУСНАЗАРОВ.

МАЛАКА ҚАЙ ВАҚТДА ОШИРИЛАДИ?

(Боши 1-бетда)

такомиллаштириб бораётган мутахассис, халқ таълими раҳбарлари қулига бериш бош мақсадимиз бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам халқ таълими ходимларининг малакасини оширишнинг марказлашган шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолаверади. Бунда биз Марказий малака ошириш, вилоят ва шаҳар малака ошириш институтларининг фаолиятларини кўзда тутамиз, албатта. Бу институтлар, айрим камчиликларни ҳисобга олмаганда, қониқарли даражада мутахассислар билан таъминланган, шунингдек бу ердаги ўқув жараёнига аксарият ҳолларда республикамизнинг бошқа илмий ташкилотлари ва идораларидаги етук мутахассислар ҳам жалб қилинмоқда.

Таълим ишини ташкил этишда янгича шакллардан ҳам фойдаланилмоқда. Хусусан, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олиб, туманларда, вилоятларда қўчма ўқув сессиялари ҳам ўтказилаётир.

Эндиликда эса малака ошириш ва уни режалаштириш ишларини тўбдан янгилаш ҳамда унга бўлган муносабатни ҳам ўзгартириш вазифаси турибди. Бошқа ўқув юртлари, мактаблардаги илгор таълим тажрибаларини, назарий ҳулосаларни ўрганиб келиш учун ҳар бир ўқув юрти ва мактаблар ўз иқтидорли ҳамда етакчи мутахассисларини якка тартибда сафарбар қилиши, уни маблағ билан таъминлашни биз эътибордан қочирмаган ҳолда, масалани таълимнинг босқичлари бўйича қараб чиқиб, ўз мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз:

1. Таълимнинг барча босқичларида малака оширишга эскича ёндашишдан, яъни ходимнинг тайёргарлик даражаси, билими ва тажрибасидан қатъи назар, ҳар уч, ҳар беш йилда малака оширишнинг шартлилигидан воз кечиш керак. Бундан буён малака оширишга агар у малакасини оширмаса, қайта янги билимлар билан қуролланмаса, жамият, давлат зарар кўриши муқаррар бўлиб қолган ходимларгина жалб қилиниши ўринли бўлади.

2. Олий ўқув юрти ходимларининг ишдан ажралган ҳолда малака ошириши мантиқан тўғри эмас. Чунки кафедрага ишга келган ходимнинг ўқув юкламасидаги иккинчи ярми учун, албатта, илмий ёки илмий-методик иш режалаштирилади. Бу эса ўша кафедра аъзосининг ўз илмий методик савиясини устириши деган сўздир. Шунингдек, ҳар бир кафедра аъзоси (мудири ҳам) муайян муддатларга (қўпинча уч, беш йилга) мулжалланган илмий тадқиқот ишини бажаради. Бундан ташқари кафедра мажлисларида, кафедра метод бирлашмаларида ҳар бир кафедра аъзосининг очиқ, намунали дарслари, уларнинг лекция матнлари, дарси, конспектларини илмий-методик жиҳатдан муҳокама қилиш жараёнида унинг малакасини ошиб боришини ҳам ҳисобга олиш ўринли бўлади.

Аслида кафедранинг илмий-методик ишларида қатнашмайдиган, илмий тадқиқот иши олиб бормайдиган ходим бўлиши мумкин эмас. Лекин муайян сабабларга кўра юқоридаги каби ишларни мустақил бажара олмайдиган ходим кафедрада ишлаб турган бўлса, у кафедранинг етакчи мутахассислари раҳбарлигида маълум кўрсларни ўзлаштириш, янги адабиётларни ўрганиш, кучли мутахассисларнинг лекция ва амалий машғулотларини таҳлил қилишни мўлжалланган шахсий режа асосида малака оширишини талаб этилиши тўғри бўлади. Акс ҳолда, бундай ходим билан келтуси муддатга битим (контракт) тузилмагани маъқул.

3. Ўрта махсус ўқув юртлари ва мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳам ялпи ҳар уч ва ҳар беш йилда, деган тизим асосига қурилмаслиги шарт. Чунки ҳар бир ташкилотда ўз ихтисосини севадиган, ижодий иш билан таълим ишини қўшиб олиб борадиган ўқитувчиларни қўплаб учратиш мумкин. Буни Халқ таълими вазирлиги мунтазам равишда ўтказиб келаётган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови яққол кўрсатиб турибди.

Сўзсиз, бундай ўқитувчилар мажбурий малака оширишга жалб қилиниши ҳақиқатга тўғри келмайди.

4. Ўртамиёна билимга эга бўлган ўқитувчиларга якка тартибда мустақил малака ошириш вазифасини юклаш мумкин. Бу тартибда малака ошириш режаси эса малака ошириш институтлари томонидан ишлаб чиқилиши ва шу институт илмий кенгаши томонидан тасдиқланиши ҳамда уни бажара олмаган ўқитувчиларни эса муайян тартибда ё вилоят (шаҳар), ё марказий малака ошириш институтларининг кундузги таҳсилига тавсия қилиш ўринли бўлади.

5. Ҳеч сир эмаски, мактабларимиздаги ўқитувчилар жамоасининг катта қисмини аёллар ташкил этади. Аёлнинг ўзбек оиласидаги ўрни барчага маълум. Шу туфайли ҳам аёл ўқитувчи, айниқса, қишлоқ ўқитувчиси, объектив сабабларга кўра талаб даражасида ўз устида ишлай олмасликлари мумкин. Бундай ўқитувчиларни Марказий малака ошириш институтининг кундузги таҳсилига жалб қилинганлиги маъқул.

6. Энди малака оширишга мухтож ходимларни аниқлаш масаласига тўхталайлик. Марказий малака ошириш институти олимлари республика Таълим илмий-методика маркази билан биргаликда ҳар бир фан бўйича ҳар йили янгиланадиган ва компьютерлаштирилган дастурлар тузиши ва шу асосда жойларда ўқитувчилар билим сифатини аниқлаб бориши лозим. Улар, бизнингча, қуйидаги тоифа ўқитувчиларига мулжалланиши мақсадга мувофиқдир:

1. Янги ишга қабул қилинган ўқитувчилар;

2. Уч йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар;

3. Беш ва ундан ортиқ йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар.

Бу таснифнинг ўзига хос психологик ва педагогик томонлари бор: янги қабул қилинган ўқитувчининг назарий тайёргарлиги бирмунча юқори бўлиши мумкин, лекин мактаб учун зарур бўлган кўникмалар ҳали тўла шаклланмаган бўлади. Компьютер-тестдан сўнг у ўз камчиликларини англаб етади ва келажакда ўз педагогик йўналишини белгилаб олишда қийналмайди. Янги ишга қабул қилинган ўқитувчининг педагогик-психологик жиҳатдан шаклланишига уч йил имконият берилади ва у қайта (уч йилда ўсиш учун етарли билимни қамраб олган) компьютер-тестдан ўтади ҳамда тегишли баҳосини олади; унинг натижасига кўра малака оширишга юборилиш-юборилмаслик масаласи раҳбарият томонидан ҳал қилинади. Беш йилдан ошиқ тажрибага эга бўлганлар эса кучайтирилган компьютер-тестдан ўтиши ва натижасига кўра уларнинг малака оширишдан ўтиш-ўтмаслиги масаласи кўрилиши керак. Ўқитувчиларни тестдан ўтказиш иши туман халқ таълими методика кабинети ходимлари томонидан тузиладиган махсус комиссия томонидан амалга оширилиши ҳамда бу комиссияга кимнинг қандай шаклда (кундузги ёки мустақил) малака ошириш зарурлиги ҳақида қарор чиқариш ҳуқуқини бериш мақсадга муофиқ бўлади.

7. Якка тартибда малака ошириш дастури ҳам ҳар йили янгиланиб туриши маъқул, чунки ҳозирги ҳар бир кунимизда юз бераётган янгилик унда ўз аксини топиши лозим.

Республикамиз мустақил ривожланаётган айни бир вақтда малака ошириш тизимлари шакл ва мазмун жиҳатдан унга мос равишда тараққий этиши давр талабидир. Эндиликда бу масалага ҳам ўтмиш қолиплари билан эмас, бугунги кун кўзи билан қарашимиз ва иш тутишимиз лозим.

Самихон АШИРБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ҳамидулла НАЗАРОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ҲИСОБОТ

Тармоқ ҳаётига оид фактлар ва қайдлар

Бугунги кунда 14 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1 миллион 200 минг касаба уюшма аъзолари ҳисобда туради.

* * *

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ўз фаолиятини йиллик режа асосида ташкил этиб, ўтган даврда 9 та раёсат йиғилиши ўтказди. Уларда 120 дан ортиқ долзарб масалалар муҳокама этилди.

* * *

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1995 йил 23 ноябрдаги қарорига асосан, тармоқ касаба уюшмаси қўмиталари қошида республика қонунлари, Ўзбекистон Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорларининг амалга оширилишини ўрганувчи гуруҳлар ташкил этилган. Уларнинг сони ҳозир 6 мингтадир.

* * *

Ўтган йил якунларига кўра, тармоқ ходимларидан 7120 киши йўлланма билан санатория, дам олиш уйларида, 29973 нафар ходим, талаба, ўқувчи тармоққа қарашли 34 та санатория-профилакторийларда, 5717 нафар талаба спорт соғломлаштириш масканларида, ходимларнинг 7000 нафар фарзандлари эса шаҳардан ташқари ва 50 мингдан зиёди мактаблар қошидаги оромгоҳларда даволаниб, ҳордиқ чиқардилар.

* * *

Келтирилган қайдлар шунчаки бир маълумотлар эмас. Уларнинг замирида инсонга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик ётибди. Зеро, бугунги кунда касаба уюшмаларининг фаолияти «ижтимоий муҳофаза» тушунчаси билан тамоман боғлиқ бўлиб қолди.

Ўзбекистон Давлат тарих музейида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг II пленуми ҳисобот даврига якун ясади.

Ҳисобот, соҳа ҳаётига доир факт ва рақамларнинг қаламасидан иборат бўлмади, балки унда чуқур таҳлил акс этди. Бу тўғрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Иброҳим Абдуғаниев маърузаси эшитилди.

— Касаба уюшмалари фаолиятидаги ютуқлар билан мақтанамиз, лекин барчамизга ойнадаги доғдек кўриниб турган камчиликлар-чи? Маълумотга қараганда, айрим жойларда халқ таълими ходимларига тўланмаган иш ҳақи ва қўшимча ҳақ кечиктириб берилаётир. Мувофиқлашган кенгашлар бу борада етарлича иш олиб бормаяптилар.

Тармоғимизга қарашли ўқув юртларида техника хавфсизлиги қоидалари қўпол равишда бузиляпти. Ана шунинг оқибатида 4 та гуруҳ бахтсиз ҳодиса содир этилган. Бу ходимларимиз меҳнат муҳофазаси тўғрисида қайғурмаётганликларини ҳам кўрсатади. Саломатликни ғимизга қарашли санаторий-профилакторий, дам олиш уйларининг моддий базаси бугунги кун талаби даражасида эмас. Моддий-техника базасини мустаҳкамлашга етарлича маблағ ажратилмаяпти...

И. Абдуғаниевнинг маърузасидан четлаб ўтилган ёки тушиб қолдирилган масала бўлмади. Таҳлилнинг чуқурлиги, танқиднинг холислиги йиғилиш аҳлида муносабат уйғотди. Таълим ва фан ходимларини турар-жой билан таъминлашдан тортиб, уларнинг турли имтиёзлардан қай даражада фойдаланаётганликлари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Пленумда «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика ташкилоти тафтиш комиссиясининг 1995 йил якуни бўйича ахбороти» (маърузачи тафтиш комиссиясининг раиси С. Х. Аблятипов) тингланди. Маърузаларга нисбатан тиклаш, ходимлар ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қилишга ҳаммамиз бурчлимиз. Тармоқ касаба уюшмаси раиси Ш. Йўлдошев, Фарғона давлат университети ректори М. Қорабоев, Қорақалпоғистон Республикаси тармоқ касаба уюшмаси раиси Б. Турдишев, Самарқанд туманидаги боғча тарбиячиси Р. Орзибоева ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Пленум ниҳоясида республика халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов сўзга чиқиб, тармоқ ходимлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталди.

— Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган семинар-ўқувда қатнашдим, — деди нотиқ ўз сўзида. — Ушанда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республикада олиб борилаётган оқилона сиёсатидан мамнунлик туйдим. Узоқ Америкада яшаётган фуқароларга Ўзбекистоннинг миллий тикланиши, айниқса, халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар, педагогларга яратилган имтиёзлар ҳақида, бу борада тармоқ касаба уюшмалари амалга ошираётган ибратли ишларни сўзлаб бердик.

Пленум кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

Навоий вилояти Қизилтепа шаҳар ўқувчилар техник ижодиёти маркази қошида турли тўгараклар қатори миллий тўгараклар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири зардўзлик тўгараги бўлиб, унга ўз касбининг моҳир устаси София Очилова раҳбарлик қилмоқда.

СУРАТДА: тўгарак раҳбари С. Очилова шогирди Н. Орипованинг тиккан каштасини кўздан кечирмоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ сурати.

ТЕЗКОРЛИК ШОШҚАЛОҚЛИК ДЕГАНИ ЭМАС

Илм аҳлига мансуб ҳар киши борки, дастлаб толиб бўлгай, олим бўлгай ва сўнгра ориф бўлгай. «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» дейдилар. Вале ориф бўлмоқ ҳам қийиндир. Ориф — комил инсон демак. Ва қувончимиз — бундай комил инсонлар орамизда бисёр... Ки, асосан улар, бугунимиз орифлари маорифда макон тутмишлар.

Ушбу мулоҳаза Ғаллаорол туманида меҳнат қилаётган камтар, фидойи маорифчилар даврасида бўлганимда хаёлимдан кечди. Даврадошларимнинг яна бир сифатини кузатдимки, улар ҳамиша тезкорликка интилиб яшар эканлар. «Одамлар ўзлари учун энг бебаҳо бўлган болаларини маорифчиларга ишониб топширишади, — дейди Ғаллаорол тумани халқ таълими бўлими мудири Яраш Кўлиев. — Албатта, болани тезкор тарбия қилиб бўлмайди, аммо тарбияни тўғри йўлга солиш учун тезкор тадбирлар кўра билиш зарур, деб ўйлайман».

Мудирнинг гапларидан бир дониш ҳикмати ёдга тушади: «Тезкорлик зарур, шошқалоқлик зарар». Албатта, тезкорлик шошқалоқлик дегани эмас. Тезкорлик шу нарсаси билан устунки, унинг замирида обдон ўйланган, пухта режа ва мақсад ётган бўлади.

Ғаллаорол туманида бир тезкор тадбирнинг гувоҳи бўлдим. Тумандаги деярли барча мактабларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етибди. Туман маорифчилари таъмирлаш ишларини март ойиданоқ бошлашган, ҳамда ўқув йили тугамасдан туриб, биноларни таъмирлаш ва жиҳозлашни тугатишга аҳд қилишган экан. Яна бир эътиборли томони барча мактаблар ва боғчалар жамоаси четдан ёрдам кутмай, ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув биноларини таъмир этибдилар.

«Тадбиркорлик, ҳашар каби отамерос ишларнинг жонлантирилиши, — дейди туман ҳалқ таълими бўлими мудири муовини Раҳмонқул Холбеков, — туманимиздаги 82 та умумтаълим мактаби, 3 та иқтидорли болалар лицейи, 9 та болалар боғчасини янги ўқув йилига тайёрлашда муҳим аҳамият касб этди. Мактаб олдидаги ер майдонидан унумли фойдаланишдан, халқ хўжалиги учун зарур бўлган терак етиштиришдан, мевали дарахтлардан мўл ҳосил олишдан ва кичик ҳунармандчилик устахоналаридан тушган даромад мактаблар ва боғчалар таъмирида жуда фойдали бўлди. Қолаверса, оталиқ ташкилотлари ҳам қараб турмади имкон қадар ёрдам қўлини чўзди.

Айни пайтда куз ва қишга тайёргарлик ишлари ҳам эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Барча мактабларга етарли кўмир тарқатилиб, ҳатто кўмир ёқиладиган печкалар ҳам таъмирлаб қўйилган. Буғ қозонхоналари бўлган мактабларда ички ва ташқи иссиқлик тизимини синаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда, ўқувчиларни китоблар билан таъминлаш, болалар кийим-кечаклари ва ўқув анжомлари савдосини ташкил қилиш ҳам муҳим. Шу боис, ҳозирданоқ савдо ташкилотлари билан ҳамкорликда мактаб бозорлари ташкил этиш тараддудида юрибмиз».

Кўринадики, маорифчилар иши фақат ўқитишдан иборат эмас. Гоҳо мактаб таъмири каби жисмоний ишларда ҳам ўқитувчининг маорифга бўлган меҳру садоқати намоён бўлади. Бундай ишларни бажаришда эса, юқорида айтганимиздек, шошқалоқлик эмас, боқибеғамлик ҳам эмас, тезкорлик фазилати жуда-жуда асқотади. Буни, мана, ғаллароллик маорифчилар нечоғлик руҳда қилаётганлигининг гувоҳи бўлдингиз.

Икром БЎРИБОЕВ.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганамиз

АЛЛАҚАЧОН КИРИШГАНМИЗ

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш арафасида турибмиз. Лекин бизда бунга аввалроқ киришилди. 1994/1995 ўқув йилидан бошлаб ҳамма кундузги мактабларда факультатив соатлар ҳисобидан ҳафтасига 1 соатдан барча синфларда машғулотлар бошлаб юборилди. Бу машғулотларни мутахассис-ўқитувчилар олиб боришди. 3, 5, 7, 9, 10-мактабларда бу иш қатъий ва дадил бошланди.

Янги ўқув йилида эса хайрли ишга қўйилган қадам янада каттароқ ва дадилроқ олинади.

Янгиер халқ таълими бўлими услубхонаси билан шу соҳа мутахассислари ҳамкорликда тавсиялар ишлаб чиқишди. Бу тавсияга кўра, 1-синфларда лотин ёзуви машғулотларига 2 соат вақт ажратиладиган бўлди. Бир соати факультатив соатлар ҳисобидан, бир соати синфдан ташқари ўқиш соатидан олиб борилади. 1-синф ўқувчилари сентябрдан бошлаб 68 соатлик дастур асосида ишлайдилар.

2—11-синфларда эса, аввалги йилда қўлланилган 34 соатлик дастур асосида иш олиб борилади. Бу машғулотлар ўтган ўқув йилида олиб борилганлиги учун, бу 1 соатлик лотин ёзуви машғулотлари асосан ўқувчиларда чиройли ёзиш кўникмаларини ўстиришга сарфланади.

Ўтган ўқув йилида янги алифбо бўйича машғулотларни махсус курсни битирган турли мутахассислар олиб борган эдилар. Эндиликда бу машғулотни она тили муаллимларига олиб бориш шарт қилиб қўйилди. Сабаби, она тили муаллимлари грамматик қоидаларни чуқурроқ биладилар, лотин ёзуви дарсларини, унинг элементларини она тилига татбиқ эта биладилар.

Бу тавсия асосида мактабда нечта она тили муаллими бўлса, уларнинг ҳаммаси ўз синфларида лотин ёзувини ўтиши, уни ўз дарсларига татбиқ этиши лозим. Фараз қилайлик, ўқитувчи 5—6-синфларда она тили ва адабиётидан дарс олиб боради. Умумий дастур 17 соатлик. Унга 2 соат лотин ёзуви машғулоти берилди. Дарслар сони 19 тага етди. Демак, бу муаллим 2 соатлик лотин ёзуви машғулотини ўтишдан ташқари, она тили ва адабиёт дарсларида ҳам мазкур ёзувни ўргатиш бўйича иш олиб боради.

Сентябрь — октябрь ойларида ой кунлари, ҳафта номлари, синф иши, дарс мавзуси лотинча ёзиб қўйилиши мумкин. Болалар бу ёзувларни кўчириб, кўникма ҳосил қилиб борадилар. Ноябрь ойидан бошлаб она тилидан 2—3 та гапни лотинча ёздириш, дарсликдаги айрим машқларни лотин ёзувида бажариш мумкин бўлади. Бу машғулотларни шу тарзда давом эттириш лотин ёзувини она тили ва адабиёт дарсларига татбиқ этишни жадаллаштиради. Ўқувчиларнинг бора-бора янги ўзбек алифбоси ёзувига тўлиқ ўтиб кетишларига йўл очиб беради.

Ҳар бир она тили ва адабиёт муаллими ўзгаришга учраган ҳарфларни пухта билиши, лотин ёзуви дарсларида болаларга тушунтириб бориши, амалга татбиқ этиши керак.

Булар: Ц ҳарфининг ўрнини тс бирикмаси, сирғалувчи Ж товуши олиб ташлангани (аждар, аждод), ч, с икки товуш билан белгиланганини, г, ғ, у, з, қ ҳарфларидаги айрим ўзгаришлардир. Ана шу муҳим жиҳатлар ўқитувчининг эътиборида бўлиши керак.

Бу янги ёзувни ўқувчиларга тезроқ ўргатиш учун хилма-хил усуллардан, кўргазмали қуроллардан, тарқатма материаллардан, турли лотинча ёзувдаги матнлардан, тестлардан фойдаланиш керак бўлади.

Абдумалик ҚАҲҲОРОВ,
Янгиер шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Махсус таълим масканларида

НОГИРОН БОЛАЛАР ТАШВИШИДА

Биз дефектологлар нуқсонли болаларни тарбиялаб, ўқитамиз. Ижтимоий ҳаётта тайёрлашга бош-қош бўламиз. Маълум бир йўналиш бўйича касб-ҳунар эгаллашларига ёрдам бериш ҳам бизнинг вазифамиз.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 37-ёрдамчи мактаб ана шундай савобли ишни бажараётган масканлардан.

Шоҳида Икромова раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчилари ва тарбиячилари ўқувчиларнинг ота-онасидек бўлиб қолишган.

— Болалар бу ерга ўз уйларидек ўрганишган, — дейди Ш. Икромова. — Бола шахсини ва шахсий хусусиятларини ривожлантиришга эътибор биринчи галдаги вазифамиз. Бизда ўқув ишлари жараёнида, айниқса, меҳнат таълимига катта эътибор берилади. Шунинг учун илм масканимизни меҳнат деб атадик. Ота-оналар ўз фарзандларини келгусида ҳунар эгаси қилиб етиштириш мақсадида мактабимизга олиб келмоқдалар. Биз уларни бажонидил қабул қиламиз.

Меҳнат таълими йўналишлари турли-туман: чилангарлик, дурадгорлик, этикдўзлик, тикувчилик, каштачилик. Айниқса, этикдўзлик касби ўқувчиларга ҳаётда ўз ўринларини топишларига катта ёрдам бераяпти. Дарс вақтида ўқувчилар тарбиячиларнинг ва тенгқурларининг ярамай қолган оёқ кийимларини тикиб, мойлаб, созлаб беришади. Болалар бу касбга жуда қизиқишади. Бир-бирларига гал бермай, ишлагилари келади.

Мактабдаги даволовчи жисмоний тарбия машғулотларига ҳам тарбияланувчилар жон-диллари билан қатнашадилар. Мураббия Сурайё Эминхўжаева ўқувчилардаги бетоб аъзоларни тузатишга йўналтирувчи машқларни бажартирар экан, ўзидаги бор билим-диққатни, меҳрни болаларга бағишлайди.

Соғлом жамият қуриш учун бизга ҳар томонлама етук, соғлом болалар керак. Ўқувчиларни комил инсон қилиб тарбиялаш, соғлигини ҳимоя қилиш эса биз дефектологларнинг муқаддас бурчимиздир.

Ф. МУЗАФФАРОВА,
РТИММ махсус таълим муассасалар лабораторияси етакчи методисти.

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БОЗОР РЕГУЛЯТОРИ — ишлаб чиқаришни бозор тартибига солишнинг иқтисодий воситаси бўлган нарх-наво. Муайян товарнинг бозор нархи ошса, уни ишлаб чиқариш юқори фойда келтиради. Бинобарин, ишлаб чиқариш омиллари фойда ва кам соҳадан серфойда соҳага кўчади. Бозор регулятори қайси товарни ва уни сарф билан яратиш зарурлигини ишлаб чиқаришга етказади, товарлар дунёсини янгиланиб туришга ундайди. Бозордаги талаб ва таклиф нисбати нарх орқали ишлаб чиқаришга таъсир этади. Бозор регуляторига амал қилиш учун монополия бўлмаслиги, аксинча, эркин бозор рақобатига йўл берилиши зарур. Ишлаб чиқариш режа воситасида ҳам тартибга солинади. Нимани, қаерда ва қанча ишлаб чиқариш, унга қанча меҳнат сарфлаш зарурлигини режа орқали олдиндан белгилаш мумкин, лекин бунинг учун талабни ҳисобга олиш шарт.

БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ — маълум белги-аломатларига қараб бозорнинг ҳар хил қисмларга ажратилиши, табақалаштирилиши. Бозорда қандай валютанинг юриши, ниманинг яхши сотилиши, харидорларнинг одат-анъаналари ва феъл атворлари, уларнинг харид қобилиятига мувофиқ товар етказиб турилади. Бозор сегментацияси орқали товарларни кам сарф-харажатлар билан яхши нархда сотиш имкони яратилади.

БОЗОР СТРУКТУРАСИ — бозор мувозанати ҳолати; асосий кўринишлари: монополия, олигополия (гуруҳ ҳукмронлиги), монополистик рақобат, соғлом рақобат, монопсония ва бошқалар.

БОЗОР ФОНДЛАРИ — режали иқтисодиётда ички бозорда аҳолига шахсий истеъмол учун талкиф этиладиган товарлар мажмуи.

БОЗОР ФУНКЦИЯЛАРИ — бозор бажарадиган иқтисодий вазифалар. Унга асосан қуйидагилар киради: 1) товар айирбошлаш орқали ишлаб чиқариш билан истеъмолни бирбирига боғлаш; 2) истеъмол буюмлари ва хизматларни аҳолига етказиб бериш орқали халқ фаровонлигини ошириш, иш кучининг такрор яратилишини таъминлаш; 3) ишлаб чиқариш воситаларини корхоналарга етказиб бериш орқали иқтисодиётнинг моддий асосини такроран яратиш ва ривожлантириш; 4) нархларнинг ўзгариши орқали талаб ва таклифни бирбирига мослаштириш, пулни товарлар билан таъминлаб, пул муомаласининг барқарор бўлишига эришиш; 5) жамият аъзоларининг талаб-эҳтиёжларини ишлаб чиқаришга ектазиб, уни шу йўлда ўстиришга эришиш; 6) товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларнинг нақадар ўринли эканини, уларни жамият нақадар тан олишини аниқлаш, харажатларни пасайтиришга ундаш; 7) халқаро ва давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни кегайтириш ва мустаҳкамлаш.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

ТАЖРИБА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

(Боши 1-бетда)

табларга етказган эдик. Жорий ўқув йили давомида эса мазкур масала буйича катта иш олиб борилди. Ушбу масаланинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш мақсадида амалий семинарлар, мактабларда педагогик кенгашлар, ота-оналар ва ўқувчилар мажлислари ўтказилди. Бундан ташқари, фанлар буйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган олимпиадалар барча турт босқичда тест орқали, 4-босқич — республика олимпиадаси эса компьютер ёрдамида ўтказилди. Эътиборга лойиқ жойи компьютерда бир марта ҳам имтиҳон топширмаган бола 2 марта ўтказилган машғулотдан сўнг берилган топшириқларни муваффақият билан бажарди.

Ўқувчилар билимини баҳолашда ҳозирги 5 баллик баҳо тизими, боланинг тайёргарлик даражасини ҳар доим ҳам холисона аниқлай олмайди. Кўп баллик тизим эса ҳар бир фаннинг (дастур асосида) ҳар бир мавзуси буйича ўқувчининг олган билимини холисона аниқлайди ва баҳолайди.

Бизнингча, шаҳар ёшларини ҳис-ҳаяжонга солган ушбу тажрибаларга халқ таълими ходимлари жуда яхши тайёргарлик кўрдилар. Тест асосидаги ўтказиладиган имтиҳонлар шаҳар буйича бир кунга белгиланди. Шаҳар мактабларининг ташаббусини маъқуллаб, Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган тавсиянома асосида Республика таълим илмий-методик маркази тест топшириқлари ёзилган дискетларни, «Ўзбекўқувавтоматика» ташкилотининг мутахассислари эса шартнома асосида барча мактабларнинг компьютер техникасини имтиҳонларга тайёрлашда ёрдам берадилар. Шу билан бир қаторда имтиҳон кунларида юқорида қайд этилган ишларни мувофиқлаштириб бориш учун навбатчи гуруҳлар ва шаҳар, туман миқёсида штаблар ташкил этилди.

Имтиҳонолди кунларида шаҳар мактабларида имтиҳонларда тушиши мумкин булган тахминий тест савол топшириқлари буйича ўқувчиларга тушунча (консультация)лар берилиб ўқув машғулотлари ўтказилди.

Имтиҳонларни муваффақиятли ўтказишда рўй бериши мумкин булган айрим кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш буйича ҳам чора тадбирларни кўриб қўйишга ҳаракат қилинди.

Чилонзор, Чирчиқ, Яккасарой ва бошқа туманларда бу тадбир жуда уюшқоқлик билан ўтказилди. Шундай қилиб тажриба ниҳоясига етди. Бизнингча, анчадан бери мактаб олдида муаммо булиб турган уч масалага йўл топилди. Булар: Тест синовларини оммавий компьютерда ўтказиш, баҳолашнинг кўп балли усули, рейтинг тизими.

Ўқитувчилар билан суҳбатда ҳар имтиҳон вақтидаги руҳий зўриқишлар камайганлиги, саволларнинг ранг-баранглиги ва энг муҳими, баҳсмунозарасиз ўқувчи билими баҳоланишини, яъни паст баҳо учун ҳеч кимдан «ёрдам» бўлмаслигини таъкидлашди. Шу билан бирга Тестдаги қамчиликлар ҳам айтилди. Бу камчиликлар уч типда бўлиши мумкин: техник, дастурий, услубий. Техник камчиликларга дастурни дисководлар уқий олмаслиги, принтерларни ишламаслиги бўлса, дастурий камчиликларга эса вақт ўлчагич (секундомер)нинг ўқувчи экранида йўқлиги, кўп марталаб диск юриттувчига мурожаат қилиш киради. Услубий камчиликлар фан муаллимларини Тест саволларини тайёрлашдаги хатоликлари деб ҳисобласак бўлади. Кўпгина ўқитувчилар баҳолаш мезони ўқувчи фойдасига катта оралиқда берилган, деган эътирозни билдирмоқдалар.

Дарҳақиқат имтиҳонолди тавсияларда

80—100 гача «5» баҳо
60—79 гача «4» баҳо
40—59 гача «3» баҳо

таклиф этган эдик. Тестдаги 50 та савол 2 баллдан баҳоланди.

Муаллимлар таклифи асосида бу мезонни ўзгартириш мумкин. албатта, ҳар қандай янгиликни ҳаётга жорий этиш кўпдан-кўп баҳо, мунозараларга сабаб булади. Унинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам булади. Тўғри, жуда қисқа вақтда бу йилги тажриба ўтказилди. Лекин бизнингча у муваффақиятли ўтди. Камчиликларни эса мутахассислар билан бирга тугатиб, Тест тизимини такомиллаштираверамиз. Янгилик қанча кўп мактабларда синалса, шунча кўп талаб ва таклифлар тушади. Тест синовлари қаётимизга шиддатли кириб келар экан, бизнингча марказлашган ҳолда ўқув йилининг уртасида декабрь ойларида ҳам айрим асосий фанлардан Тест синовлари ўтказилса ёмон бўлмайди.

Тест-рейтинг голиблари эса олимпиада мактаб, туман, шаҳар, вилоят ва бошқа республика миқёсида сараланган булар эди.

Баҳодир БОЛТАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
РТИММ лаборатория мудири.
Бахтиёр КАРИМОВ,
Олий тоифали муаллим,
Тошкентдаги 138-мактаб муаллими.

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олий Мажлис IV сессиясида сўзлаган нутқида, «Жамият демократик тараққиётининг иқтисодий асоси мулкчилик шаклининг кўпхиллиги бўлса, сиёсий асоси мулкдорлар синфининг мавжудлигидир» , — деб таъкидлади. Яқин ўтмишда биз фақат умумдавлат мулкинигина тан олардик. Бироқ ривожланган мамлакатларнинг реал тарихий тараққиёти илғор ва конструктив ғоялар айнан шу синф мулкдорлар синфидан чиқишини кўрсатмоқда.

Сессияда асосий эътибор 1995 йилда мамлакатимиз халқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар, уларни ривожлантириш ва ҳал этиш республикамиз, иқтисодиётини юксалтириш, хусусий мулкчиликни шакллантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг эътибор қилинди ҳамда 1996 йилги вазифалар белгилаб берилди. Дарҳақиқат, бизнинг асримизда давлат ва жамият ривожланишида юзага келган ҳар хил ўзгаришлар, аввало, шу иқтисодий ислоҳотларга, яъни унинг асосини ташкил этувчи мулкчилик муносабатларига келиб тақалади.

Бирор бир жамиятни мулкчилик муносабатлари, унинг шаклларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилик жамиятининг ривожланиш босқичларида мулкчилик муносабатлари асос бўлиб келган. Ў бир жамиятдан иккинчи бир жамиятга ўтишда ёки бир жамиятдаги давлатлар ривожланишида ёхуд улардаги ҳокимиятчилик масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим рол ўйнаган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритишида ҳам унинг аҳамияти катталдир. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида дастлабки ислоҳотлар ҳам мулкчилик муносабатларида юз беради. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1990 йили 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги Қонун» мамлакатимизда мулкий муносабатларда иштирок этаётган субъектларнинг онгида «Эгалик тўғусини» шакллантиришга қаратилган биринчи ҳужжат ҳисобланади.

Биз қураётган жамиятнинг ҳуқуқий пойдевори, унинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи асосий Қонун — давлатимизнинг мустақил Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Унда жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил этувчи мулкчилик масаласи конституцион меъёр даражасига қўтарилиши, айниқса, шахсларнинг мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришига муҳим асос бўлди. Конституциянинг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади...» деб белгиланиши, мамлакатимизда мулк шаклларининг хилма-хил бўлишини, улар ўзаро тенг ривожланиши учун давлат шароит яратиб беришини мустаҳкамлайди.

Янги Конституциямиз ижтимоий ҳаёт жабҳаларининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унда асосан янги қонунлар тизими ишлаб чиқилди ва мавжуд қонунлар тегишли тартибда қайта кўрилди. Шу муносабат билан мулкчилик тўғрисидаги қонунга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унда «ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишига ҳақли» эканлиги, «мулкнинг дахлсизлиги» фуқаролар мулки «хусусий мулк»дан иборатлиги, «Ишчи кучини тасарруф этиш, «мулкдорнинг тасарруф этиш ҳуқуқи чекланмаслиги» каби ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланди.

Мулкчилик муаммоси бир неча юз йиллар давомида жуда кўп соҳанинг билимдонларини файласуф ва ҳуқуқшунослар, тарихчи ва иқтисодчилар, социолог ва сиёсатшуносларни қизиқтириб келган.

Мулкчиликнинг ўзи нима? Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Ҳамиша авлодлар меҳнати яратган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмасликка қараб кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи, уларнинг ижтимоий мақоми юзага келади. Мулкий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш ресурслари биронта мулк бўлиб ҳаракатга келади. Мулкий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас. Яратилган маҳсулотлар ҳам муайян мулк доирасида ўзлаштирилади.

Олий Мажлиснинг IY сессиясида қабул қилинган «Фуқаролик кодекси»нинг биринчи қисмида мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга кенг эътибор берилгандир. Унда мулк ҳуқуқига тушунча берилиб, «Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир» (ФК нинг 164-моддаси) , — деб белгиланди. Бу мулкнинг юридик маънодаги тушунчасидир. Мулк ҳуқуқи мутлоқ бўлиб, муддатсиз амалга оширилади.

Мулкнинг иқтисодий маънодаги тушунчаси у мол-мулкка нисбатан шахслар ўртасида бўладиган муносабатлардан иборат. Бунда бир шахс бирор мол-мулкка нисбатан «Меники» деган муносабатни билдирса, бошқа шахслар бу мол-мулкка нисбатан «Бегонаники» деган муносабатда бўлади. Худди шу муносабат инсоннинг табиатан эгоист (манманчи) эканлигини келтириб чиқаради.

Жамият ривожланиши босқичларида инсонда «мен», «меники» тушунчалари кучли бўлган, шунинг учун у ўз шахсини устун қўяди. Бу эса мулкнинг хусусий шаклидан бошқа нарса эмас. Бу тушунча республикамизнинг 1963 йилда қабул қилинган «Гражданлик кодекси»даги мулк ҳуқуқи тушунчасидан тубдан фарқ қилиб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорнинг барча мулкий ҳуқуқларини қамраб олади.

Мулкдор ким? Мулкдор — бу бирор мол-мулкка нисбатан ўз хоҳишига кўра ҳуқуқини амалга оширувчи шахсдир. Бу шахс бирон бир шаклда муайян мулк-кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхонанинг эгаси. У хилма-хил касбу-кор, ҳунармандчилик, тижорат, умуман, тадбиркорлик билан шуғулланишда ўзини мулкдор ҳисоблайди. Мулкдор бўлиши учун бу иқтисодий категорияларнинг ўзи етарли эмас. Мулкдор, аввало, бу мол-мулкларга юридик асосда, яъни қонуний мулк ҳуқуқини вужудга келтира олиши лозим. Акс ҳолда мулкни эгаллаган шахс ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотиши мумкин.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ, ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, биз уни амалга ошириш йўлида бор имкониятларимизни ишга солмоғимиз зарур. Бозор муносабатлари шаклланишида, аввало, бозорни вужудга келтирадиган, ҳаракатлантирадиган куч ҳақида ўйлаб кўришимиз лозим. Бу куч мулкдорлар синфидир.

Агар биз ривожланган мамлакатларда иқтисодиётининг барқарорлигини таъминловчи куч ўрта мулк эгаллари эканлигига эътибор берсак, уларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 60-70 фоизга тўғри келмоқда. Шулардан хулоса қилиб ва Президентимизнинг сессиядаги нутқидан келиб чиқиб, республикамизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш зарур. Сессияда қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонун айнан ўз вақтида юзага келди. У ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, унда тадбиркорликни энди бошлаётган шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш анча соддалаштирилганлиги, бу даврда унга қилинадиган тўсқинликларни батараф этишнинг Қонуний йўллари белгилаб берилган.

Мулкчилик муносабатлари — жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик, биринчидан, инсон билан бойлик бўлмиш буюм ёки бошқа нарса ўртасидаги муносабат, иккинчидан, бойлик хусусида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир.

Кишилар буюмларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда узганикини ўзлаштириб бўлмайди. Демак, мулкчилик ўзлаштириш орасидаги муносабат бўлар экан, у эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлитлигини тақозо этади. Мана шу уч жиҳат мулкчиликнинг ажралмас унсурларидир.

Эгалик қилиш — мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туришидир. Эгалик шароитида мулк бўлган бойлик қисман ўзлаштирилади.

Фойдаланиш, ишлатиш — мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олишдир. Фойдаланиш юз берганда бойлик даромад топиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади. Мулкдор ўз мулкини ўзи ишлатганда эгалик қилиш вақтида фойдаланиш бир қўлда бўлади.

Тасарруф этиш— мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат хатти-ҳаракатларни амалга ошира билишдир. Мулкчилик муносабат экан, албатта, унинг объекти ва субъекти бўлиши шарт.

Мулкчилик объекти — бу мулкка айланган барча бойлик турларидир. Унга ер, сув, қонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машиналар, машина-ускуналар, бино-иншоотлар, маҳсулотлар-хизматлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, илмий-техникавий ғоялар, товар белгилари, товарларнинг ўзи, меҳнатга бўлган ақл-жисмоний қобилиятлар ва бошқалар киради.

Мана шу моддий ва номоддий шаклдаги неъматларни ўзлаштириш юзасидан мулкий алоқа шаклланади. Неъматлар мулкка айлангандагина ўзлаштирилади.

Мулкчилик субъекти — мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатларнинг иштирокчилари. Булар жумласига айрим кишилар, оилалар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари, ҳудудий бирлашмалар, ҳар хил жамоалар, ижтимоий, диний ташкилотлар ва ниҳоят, давлат киради. Айтилган субъектларга қараб ўзлаштириш индивидуал, оилавий, ижтимоий-синфий, ҳудудий ва умуммиллий тус олади. Ижтимоий табақалашган жамиятда ўзлаштириш ўзининг даражаси ва усулига қараб ҳар хил бўлади.

Ўзлаштириш икки йўсинда боради: 1) ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситаларини ўзлаштириш. Бунда моддий ва меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш соҳибининг мулкига айлангандан сўнг ўзлаштирилади. Ишлаб чиқаришдаги ўзлаштириш бирламчидир. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили (моддий ва инсон омиллари) бирикади, маҳсулот ва хизматлар яратилади.

(Давоми бор)

Нутфулло ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Шогирд эҳтироми

ОРЗУЛАРДАН ЎЗГАН АЁЛ

Савоб қилинг, у дунёнгиз обод бўлади, дейдилар. Мен эса савоб ишлар, эзгу ниятлар замирида икки дунёмизни обод қилгудек маъно кўраман. Эзгу ҳаракат, меҳнат ва ижод туфайли яралган моддий бойликларни гапирмасак ҳам унинг меваси ҳаммага маълум, кўз ўнгимизда. Мен яхшиликнинг яна бир томони ҳақида гапирмоқчиман. Эзгулик ортидан нурли бир из қолдиради. Ана шу ёруғлик изидан, тафтидан яна қанча-қанча одамлар баҳраманд бўлади, яъни яхшилик яхшиликка йул очади. Ҳаётда эса бунга мисоллар кўп.

Яқинда мен Самарқанд вилояти Пайариқ туманида бўлганимда, 1-ўрта мактабнинг собиқ ўқитувчиси, бугун муборак етмиш ёшини нишонлаётган Робигул Толипова билан учрашиб, суҳбатлашганимда, юқоридаги фикрлар қанчалик тўғри эканлигига яна бир бор ишондим.

Робигул Толипова шу тумандаги 69-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларим менга ҳам устозлик қилиб, математиканинг орзу ва хаёлот дунёси билан ошно этган. Опа ортидан неча-неча ёшларни эргаштирди, уларнинг қалбида математикага ҳавас уйғотди. Мана бугун улар республикамизнинг турли жойларида кўзга кўринган таниқли кишилар бўлиб етишдилар.

Робигул опанинг уйида у кишининг ҳаёт йули, ўқитувчилик фаолияти ҳақида суҳбатлашиб, хаёлимдан шу фикрлар ўтди: «Аслида дунёдаги барча одамлар бир-бирини ҳаракатга келтирувчи яхши ёки ёмон оқимларга, йўлларга бошловчилардир». Дарҳақиқат, опа ўқитувчилик қилган Орзу Маҳмудов номи билан аталган мактаб даргоҳидан жуда кўплаб истеъдодли кишилар чақмоқдай «ялт» этиб чиқишди. Ҳозирги кунда улар, яъни опанинг шогирдлари — Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа институти фан ва техника бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори Бахтиёр Турaев, Тошкент 2-тиббиёт институти ректор ўринбосари, фалсафа фанлари доктори Урол Обилов, амалий физика институти директори муовини, физика-математика фанлари номзоди Исабек Холбоев, Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги миллий лицей директори муовини, фалсафа фанлари номзоди Ҳайитбой Сафаровлар шулар жумласидандир.

Робигул Толипованинг ҳавас қилса арзигулик шогирдлари бор. Бу устоз учун нақадар юксак бахт. Шу билан бирга тақдир бу аёлни оилавий томондан ҳам бахтиёр этган. Опанинг умр йўлдоши Абдуҳамид Умрзоқов эллик икки йилдан бери ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга татиб келмоқда. Абдуҳамид Умрзоқов кўп йиллардан бери мактабда опа билан ёнма-ён ишлаган.

Мен улар билан суҳбатлашар эканман, ҳаётдаги муваффақиятлар ва қолаверса, 70 ёшда ўқитувчиликдек оғир иш фаолиятидан сўнг ҳам бардам-тетиклиги сабабини сўрадим. Улар иккиси ҳам менинг саволимга бир хил жавоб қайтаришди. «Аввало оиладаги тотувлигимизга, мактабдаги меҳнатимиз самарали бўлишига бизнинг доимо ҳамфикр, ҳамдард яшаганимиз сабаб бўлса керак. Қийналган пайтларимизда бир-биримизни қўлладик, ҳеч қачон бир-биримизни ёлғизлатмадик», — дейишди улар.

Кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган бу оилада тарбияланган ажойиб инсонлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бунинг ўзи ҳам бир ибрат.

Розигул опани ҳамқишлоқлари, дўстлари «вазирнинг онаси» дейишади. Катта ўғли элга танилган, фидойи инсон. Республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқовдир. Кейинги фарзандлари Эркин — туман об-ҳаво маълумотини берувчи бошқарма бошлиғи. Дилором — шифокор, Назира — ўқитувчи, Озода — рассом-педагог, Тошкент давлат педагогика институтида дарс беради.

Робигул Толипованинг шарафли касби туфайли топган эътибор, фарзандлари камоли ҳақида ёзар эканман, беихтиёр шоирнинг «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор», деган сатрлари хаёлимдан ўтади. Бир пайтлар менга ҳам устозлик қилган опага кўнглимдаги энг самимий тилакларимни айтгим келади. Устоз, етмиш баҳор, етмиш довон ошиб етган камолингиз муборак бўлсин! Сиз орзудан ўзган аёлсиз. Кўз тегмасин бахтингизга, иқболингизга! Фарзандларингиз, қолаверса, шогирдларингиз бахтига омон бўлинг!

Ҳидоят ОЛИМОВА.



Олтин ёз — ўтмоқда соз

СЕҲРЛИ ДАВР СЕҲРЛАРИ

Агар нигоҳларингиз ҳайрат учқунларини тарк этмай, масҳурлик пардаси ила дунёга боқса, бу энди — болалик. Қалбингиз Дунёнинг ҳар бир парчасидан сеҳрнинг панжа изларини ахтариб турса, бу энди — болалик. Демак, сиз бахтли одам экансиз.

Букун сеҳрли даврнинг сеҳрли онлари. Ёз фасли. Мактаб ўқувчилари таътилда. Бўстонлиқ туманидаги «Семург» болалар оромгоҳи ҳам ўз сеҳрлари билан болаларни мафтун этмоқда.

СУРАТДА: сеҳрли онлар.

А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

Китобларни варақлаганда

ҲАЙРАТ ҲОСИЛАСИ

Истиқлол бизга халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган фидойи кишилар, буюк давлат арбоблари, олим ва ёзувчилар фаолиятини холис ўрганиш, баҳолаш имкониятини берди. Бу имкониятнинг моҳиятини теран англаган ижодкорлар ижтимоий, маданий-адабий йўналишларнинг, маънавиятнинг асосларини бугунги талаб нуқтаи назаридан ўрганишга, баҳолашга ҳаракат қилмоқда. Адабиётшунос олим Умарали Норматов ана шу тоифа қаламкашларидандир. У турли мақола ва маърузаларида адабиётнинг муҳим масалаларини, айрим намуналарини қайта кўриб чиқиб, тушунтириш ташаббускори бўлмоқда. Бу ташаббуснинг дастлабки самараси унинг раҳбарлигида ва иштирокида умумтаълим мактаблари учун адабиётдан бир гуруҳ олимлар томонидан тузилган дастур ва шу дастур асосида юзага келган мажмуа-дарсликлар бўлди.

«Қодирий боғи», айниқса, «Ўтган кунлар» ҳайрати» мақолалар тўплами эса У. Норматовнинг адабиётга, унинг айрим масалаларига изчил, холис муносабатининг энг яхши намунасидир.

Абдулла Қодирийнинг бошига шараф тожини кийдирган ҳам, не-не бало тошларининг ёғдирилишига сабаб бўлган ҳам «Ўтган кунлар» романидир. Шунинг учун мунаққиднинг романи жуда муҳим, долзарб муаммолар асосида таҳлил қилиши, асарнинг ноёб фазилатларини очиб, ёзувчининг эл орасидаги обрў-эътибори, фожиаси сабабларини холис ёритиши китобхонда қизиқиш туғдиради.

«Ўтган кунлар» ҳайрати» мўъжазгина тўплам, ундан тўртта мақола ўрин олган. Муаллиф «Қисмат ва жасорат» мақоласида Абдулла Қодирийнинг ижодий йўлини кузатади. «Ўтган кунлар»дек нодир асарни яратгунча ёзувчи олиб борган изланишларнинг, тажрибаларнинг самарасини кўрсатади. Айниқса, мақолада бошқа қодирийшунослардан фарқли ўлароқ, ёзувчининг фожиали қисматини даврга тўнкаб қўя қолишдек осонгина йўл тутмаслиги, балки мафкуравий тазйиқ туфайли замонасозлик кўчасига кириб қолган, имони зил кетган ҳамкасабаларининг мунофиқлиги, иккиюзламачилиги билан узвийликда изоҳланиши асослидир. Тўпламдаги мақолалар бир-бирини тўлдиради. Чунончи, «Отага таъзим» мақоласида муаллиф ота ва ўғил Қодир бобо ва Абдулла Қодирий муносабатлари орқали «Ўтган кунлар» романининг ижодий тарихи, Юсуфбек ҳожи, Отабекка хос маънавий-ахлоқий гўзаллигининг илдизи очилса, «Ўтган кунлар» ҳайрати»да ўзак масала — романнинг поэтикаси тадқиқ этилади. Мунаққиднинг ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан суҳбати асосига қурилган «Реалистик тасвир қудрати» мақоласи тўпламнинг яхлит хулосаси, А. Қодирийнинг ижодий йўли, қиёфаси тўғрисида аввалда айтилган фикрларнинг умумлашмасидек таассурот қолдиради.

Хуллас, «Ўтган кунлар» ҳайрати» тўплами ўқувчининг ёзувчи А. Қодирий ҳақидаги тасаввурини бойитади. Шунинг учун бу тоифа асарларнинг нашр этилиши камида уч жиҳатдан аҳамиятлидир: биринчидан, бу хилдаги асарлар ўқитувчиларнинг савиясини кўтаради, касб маҳоратини оширади, иккинчидан, адабиётнинг юқори савияда ўқитилишига олиб келади, учинчидан, ўқувчиларнинг бадиий дидини, гўзаллик туйғусини ўстиради, маънавий камолотига замин бўлади.

Турғунбой ХАЛИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Одобнома

АФЛОТУН ҲИКМАТЛАРИ

- Борлиқнинг асосини ягоналик ташкил этади.
- Бошқалар бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.
- Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқча вақт сарфлаш доно одам учун ниҳоятда оғирдир ва бу уни мислсиз ташвишга солади.
- Одамлар бошларига қайғу тушганда тақдирдан, худодан ва бошқа истаган нарсалардан зорланадилар-у, аммо ўзларидан сира зорланмайдилар.
- Ишни яхши бошласанг, ярмини бажардим деявер.
- Қандай бўлсалар, ўшандай қолишга аҳд қилганларгина нодон.
- Ҳар қандай доноликнинг замини сабр-тоқат.
- Хурофотга муккасидан кетган одам энг кучли нафратга гирифтор.
- Кимки садоқат ҳақида онт ичмаган бўлса, у ҳеч қачон онтини бузмайди.

Мусоқул УСМОНОВ тўплаган.

Тарбия иши усуллари

КИМ ЭРТАКНИ ЯХШИ КЎРАДИ?

Дам олиш хонасида болалар саф тортиб туришибди. Тарбиячи улардан сўрайди: — Болалар, ким эртакни яхши кўради?

— Мен, мен, — жавоб беришади болалар.

— Ундай бўлса, биз ҳозир эртаклар оламига саёҳат қиламиз.

Шундан сўнг тарбиячи болаларни етаклаб машғулот хонасига олиб киради. У ерда деворларда эртаклар асосида чизилган ҳар хил суратлар, стол устида лой, қоғоз, ёғоч ва матодан ишланган эртак қаҳрамонлари. Эшик олдида болаларни энага томонидан айиққа ўхшаб кийинтирилган бола ва қизча кутиб олади.

— Болалар, бизни кимлар кутиб олишди? — сўрайди тарбиячи.

—Бизни Айиқ полвон кутиб олди, — жавоб беришади болалар.

Кейин хонадаги ҳар бир сурат, қўғирчоқнинг ёнига бориб суҳбатлашишади. Машғулот охирида эса тарбиячи болаларга лойдан ўзлари яхши кўрган эртак қаҳрамонларини ясашни буюради.

Бундай машғулотларни Чортоқ туман Тошқўрғон қишлоғидаги «Нилуфар» болалар боғчаси тарбиячиси Гулчеҳра Мўминова ўтказади. Тарбиячининг болалар билан олиб борадиган машғулотлари хилма-хиллиги, қизиқарлилиги билан бошқа тарбиячиларникидан фарқ қилади. Бундан 23 йил аввал педагогика институтида сиртдан ўқиб, мактабда ишлаётган Гулчеҳрани боғчада ишлашга таклиф қилишганда, ҳеч иккиланмай рози бўлди. Чунки у кичкинтой болаларни жон-дилидан севар эди.

— Боғчада ишлаш қанчалик қийин эканлигини биласизми? — норози бўлди турмуш ўртоғи. — Баъзилар битта болани зўрга боқишади. Сиз эса 20 нафар болага қарашингиз керак.

— Йигирмата болага она ўрнига она бўлиш қанчалик бахт! — жавоб берди Гулчеҳра. — Биласизку, мен кичик ёшдаги болаларни яхши кўраман.

Тарбиячилик — муаллимликдан фарқ қилади. Муаллим мактабда тил билган болаларга фан асослари ўргатса, тарбиячи боғчада болаларга гапиришни, юришни, тинглашни, фикрлашни ўргатиш билан бирга математика, адабиёт, тасвирий санъат, меҳнат, мусиқа, жисмоний тарбиядан бошлангич савод ўргатади. Гулчеҳрага боғчада ишлаш аввалига осон бўлмади. Мактаб ва боғча ёшидаги болалар психологияси ва педагогикасида анча фарқ бор.

— Институтда ўқимайман, — қарор қилди Гулчеҳра ҳаммани ҳайрон қолдириб, — мактабгача тарбия билим юртига кираман.

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган Гулчеҳра Наманган мактабгача тарбия педагогика билим юртида сиртдан ўқий бошлади. Беш нафар ёш боласи бор она учун сиртдан ўқиб, ишлаш қанчалик қийинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Гулчеҳра ҳамма қийинчиликларга чидади ва билим юртини муваффақиятли битирди. У мактабгача ёшдаги болалар психологияси ва педагогикани ўрганишга жиддий эътибор беради. Тарбияланувчиларнинг ҳар бирига онадай меҳрибонлик билан қарайди. Боладаги ҳар бир ўзгаришни ўз вақтида сезади. Уларнинг камчиликларини тезроқ тузатишга ҳаракат қилади. Баъзан болалар е, р товушларини талаффуз қила олишмайди, баъзиларида диққат билан тинглаш, баъзиларида эсда сақлаб қолиш қолбилияти паст бўлади. Гулчеҳра бу камчиликларни тузатиш бўйича ўзига хос машқлар тизимини ишлаб чиққан. Болажонлиги учун уни отаоналар ҳам ҳурмат қилишади. Фарзандларини тарбиялаш ҳақида Гулчеҳра билан маслаҳатлашишади. Ўзи тарбиялаган болаларни боғчадан кузатганидан кейин ҳам Гулчеҳра уларнинг тақдиридан бохабар бўлиб туради: мактабга бориб, ўғил-қизларнинг ўқишлари билан қизиқади. Ўз навбатида у тарбиялаган болалар ҳам Гулчеҳранинг номини чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Фарҳод Маматқосимов, Зулхумор Абдувоҳидова, Гуландом Раҳмонова каби ўқитувчилар, Нигора Холмирзаева, Матлуба Отамирзаева каби тиббиёт ходимлари шулар жумласидандир.

— Машғулотларни кўргазмали қуролсиз ўтиб бўлмайди, — дейди Гулчеҳра Мўминова, — болаларнинг хотирасида узоқ сақланиб қолиши учун ҳар бир тушунча, ҳар бир сўзга кўргазмали қурол бўлиши керак.

Гулчеҳра ўзи ҳар бир машғулот учун алоҳида кўргазмали қуроллар ясайди. Унинг кўргазмалари сифатлилиги ва мазмуни билан ажралиб туради. Г. Мўминованинг лой, ёғоч, мато, қоғоздан ясаган кўргазмали қуролларига ҳар йилгидек бу йил ҳам туман танловида юқори баҳо берилди. Ўз маърузалари билан педагогик ўқишларда фаол қатнашиб келаётган мураббиянинг «Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга ўргатиш усуллари» мавзусидаги маърўзаси туманда юқори баҳога сазовор бўлди.

«Ўзбекистон мустақиллиги» медали, туман ва вилоят халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган 1-тоифали тарбиячи Гулчеҳра Мўминованинг оиласи ҳам намунали оилалардан. Турмуш ўртоғи Ўрмонжон Мўминов 31-ўрта мактабнинг олий тоифали рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ўғли Ойбек ҳам рус тилидан дарс беради, II тоифали муаллим. Қизи Гулбаҳор эса бошлангич синф ўқитувчиси. Гулчеҳра Мўминованинг ўзи эса ёш авлод тарбияси йўлида бор кучи, ғайрати билан изланаётган фидойилардан, десак муболаға бўлмайди.

М. ҲАБИБУЛЛИНА,
Чортоқ туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Зайниддин Ғаззолий

ЖОҲ ВА ҲАШАМАТНИНГ ТАРИҚАЛАРИ

«КИМЁЙИ САОДАТ» ДАН

Ҳазрати расул (А.С.) айтибдурлар: «Умматларимнинг ҳеч гуноҳ қилишларидин қўрқмасман, магар кичик ширк келтиришларидин қўрқурман».

Айдилар: «Ё, расуллоҳ, кичик ширк қайсидур?»

Жавоб қилдилларки: «Риё бирла ибодат қилмоқдур, қиёмат куни Ҳақ таоло айтур: «Эй, муроъий, (яъни риё бирла ибодат қилувчи), борғил ул киши қошиғаким, анинг учун (анга яхши кўриниш учун) ибодат қилиб эрдинг. Ажрингни ул кишидин талаб қилиб олгил!»

Ҳазрати расул (А.С.) айтибдурлар: «Ҳақ-таолодин паноҳ тиланг Хубби баҳриндин, яъни Ғори андуҳдин». Айдилар: «Ё, расуллоҳ, Хубби баҳрин нимадур?» Айдиларким: «Водийи дузахдурким, Ҳақ-таоло ани риё қилғувчи (мунофиқ) олим ва қорилар учун халқ қилғон (яратган)дур. Анинг азобидин ҳама дузахийлар паноҳ тиларлар».

Ҳазрати расул (А.С.) айтибдурлар: «Худои-таоло айтур: «Ҳар кишиким, ибодат қилиб, ул ибодатга яна бировни менга шерик қилса, ул ибодати ширкатдин безордурман, (бундай ширк ибодатни) ҳаргиз қабул қилмасман». Расулуллоҳ айтибдурлар: «Амалда кимдаки, зарра чоғли риё бўлса, Худои азза ва жалла ани қабул қилмас».

(«Саҳобалардан) Маоз ибн Жабал (Р.А.) йиглаб ўлтурур эрди. Ҳазрати Умар (Р.А.) айдиларки: «Эй, Маоз, не учун йигларсан?» Маоз ибн Жабал айдиларким: «Ҳазрати расул (А.С.)дин эшитиб эрдимки, «Риё — ширкдур, қиёмат куни нидо келур: «Эй, риёкорлар, кирдоринглар зое бўлди ва муздинглар (меҳнат ҳақинглар)ни ул кишидин талаб қилингларки, анинг учун ибодат қилиб эрдинглар»

Шаддод ибн Авс (Р.А.) айтур: «Ҳазрати расул (А.С.) ни кўрдимки, йиглаб ўлтирибдурлар. Сабабкорини сўрдим. Айдилар: «Қўрқарман ул умматларимдинки, ширк келтирурлар, бутпарастлик ва офтобпарастлик қилмаслар ва лекин тоатда риё қилурлар. Амаллари (қилғон ибодатлари) ботил бўлур».

Ҳазрати расул (А.С.) айтибдурлар: «Худои азза ва жалланинг Арш масжиди соясида қиёмат куни ул киши ўлтирурки, ўнг қўли бирла садақа бергай, чап қўли оғоҳ бўлмагай». Ва яна айтибдурлар: «Худои таоло заминни яратти. Замин ларзага келиб туриб, ором ололмади. Эрса тошларни яратди, (тоғлар) Заминни ларзадин тўхтатди. Фаришталар айдилар: «Ҳақ-таоло, тоғлардин улуғроқ ва қувватлироқ нимарсани яратмади». Андин кейин Ҳақ-таоло темирни яраттиким, тоғ бағрини шикоф қилди (ва сувлар оқиб кетди). Фаришталар тоғдин темирни қавийроқ (кучлироқ) кўрдилар. Ҳақ-таоло андин сўнг Шамолни яраттиким, у сувни ўз жойида тўхтатди.

Бас, фаришталарга орзу етишдиким, Худои-таолодин сўрғайларким: «Махлуқларингдин қайси қавийроқдир?» Ва лекин бу арзни қилурга ҳеч бирларида қувват йўқ эрди.

Хитоб келдики: «Эй, фаришталарим, Одам деб махлуқ яратурманки, (улар) ўнг қўллари бирла садақа берурлар, андоғки, чап қўллари оғоҳ бўлмас. Ҳамма махлуқдин бу тариқа қилғон (иши) улуғ ва қавийроқдур».

Маоз (Р.А.) ҳазрати расул (А.С.)дин ривоят қилибдурки, Худои таборак ва таоло осмонларни яратмасдан илгари етти фаришта яратди. Андин кейин осмонларни яратди. Бу фаришталардин ҳар бирини бир осмонга муаккил қилди ва ул осмонларнинг дарбонлиги мансабини буларга топширди. Вақтики, бу фаришталарки руйи заминнинг халқи амалларини (қилган ишларини) битурлар, уларни Хифзи ва киромийни дерлар. Ҳар бандининг номаи аъмолини эртадан кечгача битиб, кундузнинг фаришталари аввалги осмонга еткирурлар. Аввал тоатнинг мадҳи ва ситойишини қилурлар. Осмони аввалга муаккил фаришта бу номани кўриб айтурким: «Бу амални ўтказмасман, ул киши юзига уринглар ким, ман аҳли ғайбанинг нигоҳбонидурман. Ҳақ-таоло менга фармон қилибдурки, ғийбатгўйнинг амалини ўтказмасман» деб ёпур (қайтур).

Яна бировнинг номаи аъмолини келтирурларки, ғийбат қилмағон бўлгай. Иккинчи осмонга эл-турлар. Фариштаи муаккил айтурки: «Бу амални (номаи аъмолни) ёндириб, ул кишининг юзига уринглар ким, (бу амалларини) молдунё учун қилибдур.

Бас, яна бировнинг номаи аъмолини келтирурларки, анингда дунё (парастлик) бўлмагай. Учинчи осмонга элтурлар.

Яна бировнинг номаи аъмолини учинчи осмонга келтирурлар. Муаккил фаришта айтур: «Бу номани ўткизмасманки, бу кишида кибр (каттазанглик) бордур. Мен мутакаббирлар амалини қабул қилмасман.

Яна бировнинг (кибр-ҳавоси йўқ одамнинг) номаи аъмолини тўртинчи осмонга келтирурлар. Муаккил фаришта бу кишида ужбхудбинлик бордур, деб уни ўтказмас. Яна бировнинг амалини бешинчи осмонга келтирурлар. У осмоннинг муаккил фаришталари бу кишининг номасини ҳасадгўйлиги учун қабул қилмас. Олтинчи осмон фаришталари бесабр одамнинг номасини қабул қилмас. Еттинчи осмон фаришталари яна бировнинг яхши амаллари номасини қабул қилмаски, ул киши бу яхши ишларни Ҳақ-таоло йўлида эмас, балки ном чиқариш, шон-шуҳрат учун қилғондур. Бундоғ амалларнинг ҳаммаси риёдин (мунофиқлик)дин холис бўлмас. Худои азза ва жалла риёкорлар амалини қабул қилмас.

Яна бировнинг номаи аъмолини келтиргайлар, анингда ҳеч нуқс ва халал йўқ, покдур. Фаришталар ул амални мубоҳот қилиб, еттинчи осмондин ўткариб, Ҳақ-субҳанаҳу ва таолонинг даргоҳига еткарурлар. Ва гувоҳлик берурларким, «Бу пок ва холис амалдур».

Ҳақ-таоло айтур: «Эй, фаришталарим, сизлар амалнинг нигоҳбонидурсиз, мен дилнинг нигоҳибонидурман. Бу киши амални холис менга қилмас эрди, кўнглида нияти бўлак эрди, (менга бошқани шерик қилур эрди), бас, менинг лаънатим бўлсин бу кишига» дерки, барча фаришталар ул одамга тамоми лаънат айтурлар.

Мунга ўхшаш ахбор (ҳадис)лар ва ривоятлар бисёрдур. Аммо, осори ҳазрати Умар (р.), бир кишини кўрдиларким, бошини қўйи солиб ўлтирибдур. Айдиларки: «Эй, бори худоё, мунинг гарданини рост қилғилки, хушуъ кўнгилдадурким, гардунда эмасдур.

Абу Хумюма (Р.А.) кишини кўрдиларким, масжидда сажда қилиб йиглайдур. Айдики: «Бу масжидда қилғон ишни уйингда қилсанг хуб (яхши) бўлур эрди».

Ҳазрати Исо (А.С.) айтибдурлар: «Вақтики, киши руза тутса бўлғайким, соқолини ва бурутлари (мўйлаби)ни тарагай ва ёғлагай ва сурма тортгай. Яъни киши анинг руза тутгонини билмагай.

Иккинчи. Эгинда (кийимда) риё қилмоқ. Чунончи, янги, қисқа ва йиртиқ эгин ихтиёр қилмоқ, токи халқ зоҳид деган. Ва ё кабуд эгни сажжода ва мураққа (қуроқ) кийим лозим тутмоқ, токи халқ суфий, дегай, бовужудки, (ўзи) суфийликдин хабари йўқ бўлгай. Ва ё дастор (салла), кафш, махси кийгай, бу гараз бирлаки, халқ (уни) муттақий ва таҳоратда эҳтиёт қилғувчи дегай. Бу ишлар макр ва талбис (иблислик) ва аблаҳликдин ўзга эрмасдур.

Фузайил Аёл айтур: «Ўтган замонларда риёсиз иш ҳам қилур эрди (лар). Ва бу вақтларда риёдин ўзга иш қилмаслар. Ўббода р.а. айтур: «Кишиким, риё қилса, Ҳақ-таоло айтур: «Кўринглар эй, фаришталарим, бандам мени нечук саҳл (енгил) тутадур».

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

Хулласи...

ОДАТДАГИДАН САЛ ЎЗГАЧА

Бельгияда янги темир йўл ишга тушди. Ҳамишагидек. Бу ерда ҳам янги изларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳамишагидек. Одамлар тўпланди. Нутқлар ирод этилди. Қарсаклар чалинди. Фақатгина маросимнинг интиҳосида одатий мезон сал бузилди. Чунки темир йўлдан поезд тантанали равишда юриб ўтмади. Балки вагонларни Уолтер Арфей деган паҳлавон тиши билан тортиб юргизди. Вагонларнинг умумий оғирлиги 224,5 тонна эди. Паҳлавон бунгача 184 тоннани тортиб қўйган экан.

ДУНЁНИ НИМА БИРЛАШТИРАДИ?

Ҳақиқатан шундай. Ким эмас, нима. Бўлажак воқеалар дунёни осмон бирлаштиради, деган хулосаларга олиб келяпти.

Ун биринчи августда ўтаётган минг йилликнинг охирги қуёш тутилишининг содир бўлиши кўзда тутилмоқда. Дунёнинг қарийб барча илмий ташкилотлари бу ҳодисани чуқурроқ ўрганишга тайёргарлик кўришяпти. Ҳатто, НАТО ҳарбий блоки ҳам бундан четда қолмаяпти. Шу кунларда блок асосий ташкилотчи сифатида майдонга чиқди. Июнь ойида Руминиянинг Синай шаҳрида бутун дунё фалакиётчиларининг шу масалага бағишланган йиғини бўлиб ўтди. Унда биргаликда илмий кузатишлар олиб боришга келишиб олинди. Ҳодиса марказида жойлашган Бухарест ва Тимошари обсерваториялари кузатишнинг асосий манзили қилиб белгиланди.

УНИСИ БЎЛМАСА БУНИСИ

Ҳимолай тоғлари Урал альпинистларини яхши қарши олмади. Тўққиз кишидан иборат экспедиция Аннапури чўққисини забт этолмай, Екатеринбургга қайтиб келишди. Қор кўчкилари, шамоллар чўққибозлар руҳини анча туширириб юборди. 8091 метрлик чўққининг ярмигача кўтарила олишди холос.

Ушбу омадсизликка қарамай, янги экспедицияни уюштириш мўлжалланмоқда. 1997 йилда 8 минг метрдан ошиқ Макалу чўққисини забт этишни экспедиция ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

ТАВБА ҚИЛСАНГ ИККИ ОЛАМ СЕНИКИ

Новгород шаҳрилик М. Бондарев шаҳар милициясига мурожаат қилиб Воронино қишлоғи ибодатхонасидан шериги билан иконаларни ўғирлаганини билдирди. Ўғрилик содир этилганидан буён ярим йил ўтган. Милиция ходимларини бир нарса ўйлантирмоқда: ўғрини уларнинг ҳузурига нима етаклаб келди — қонун олдидаги қўрқувми ёки Худо олдидаги қўрқувми? Нима бўлса ҳам, ўғрининг иқрор бўлиши қонун олдида айбни, Худо олдида эса гуноҳни юмшатади.

ана шунақа гаплар.

ФУТБОЛ ТАРАТАДИ ВАТАН ДОНҒИНИ

Ўзбекистон

ТУМАН ЗИММАСИДА ВИЛОЯТ ШАРАФИ

Яқинда Марҳамат туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшмаси ҳомийлигида мактаблардаги ёш футболчиларни мусобақаларга жалб этувчи тўрт босқичдан иборат турнир ташкил этилди. Унинг жойларда ўтказилган биринчи босқичида мингга яқин спортчи иштирок этди. Туманлар ва шаҳарлар ғолиблари аниқланган иккинчи босқич ғоят қизиқарли ўтди ва энг кучли жамоалар учинчи босқичга чиқди. Учинчи босқич беллашувларида Марҳамат, Асака, Шаҳрихон, Балиқчи, Бўз туманлари, Андижон, Марҳамат, Шаҳрихон шаҳарларининг вакиллари ҳал қилувчи мусобақаларга йўлланма олдилар. Ярим финалда Марҳамат тумани ёш футболчилари Асака туманини 3:0, Шаҳрихон туманини 2:1, Балиқчи туманини 5:1, Бўз туманини 3:0 ҳисобида мағлуб этди.

Финал ўйинларида эса Марҳамат тумани ўқувчилари Андижон шаҳрини 3:0, Марҳамат шаҳрини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, вилоятда 1-ўринни қўлга киритдилар.

Ун кун давом этган бу мусобақада Марҳамат тумани ёш футболчилари ўзларининг ҳақиқий маҳоратларини намойиш этишди. Алишер Асқаров (Фурқат номли 8-мактаб ўқувчиси), ҳимоячи Зафар Эгамбердиев (Олтибой Тулибоев номли 35-мактаб ўқувчиси), ярим ҳимоячи Солижон Эркабоев (Қурбонбой Валиев номли 23-мактаб ўқувчиси), ҳужумчи Хурсанд Муминов (Анваржон Каримов номли 25-мактаб ўқувчиси), айниқса, алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Шундай қилиб Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ўқувчилари Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси «Меҳнат резервлари» КСЖ вилоят кенгашининг умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича ВХТБ биринчилигида ғолиб бўлиб фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Улар Республика ўқувчилари ўртасидаги футбол мусобақасида Андижон вилояти шарафини ҳимоя қиладилар.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Андижон вилояти Марҳамат туманидаги А. Авлоний номидаги 37-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

Осиё

КЎЧАМИЗДА БАЙРАМ БЎЛДИ

Шу куни футбол майдонидаги Узбекистон — Тожикистон терма командаларининг ўйинини томоша қилган ёки бирор сабаб билан уни кўра олмай фақаттина натижасини эшитган барча ишқибозларнинг кайфияти ҳар сафаргидан ҳам яхши бўлганлиги ҳаммага аён. Ҳақиқатан ҳам Узбекистон футболининг ҳар бир ютуғи ишқибозларнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Футболга ошно бўлмаган кишилар ҳам бу хабардан суюнишлари табиий. Ахир буларнинг ҳаммаси ВАТАН шарафи эмасми? Бундан қайси ватанпарвар ғурурланмайди, дейсиз.

Мазкур Осиё кубоғи саралаш учрашувларининг Тожикистонда бўлиб ўтган биринчи учрашувида мезбонлар 4:0 ҳисобида ғолиб келгач, Узбекистон футболчиларининг кейинги босқичга чиқишига кўпчилик гумон билан қараганди.

«Ҳаракатда баракат», дейдилар. Футболчиларимиз асосий вақтда 4:0 ҳисобида енгиб, умумий ҳисобни тенглаштирдилар (4:4). Қўшимча вақтда эса ёш ва истеъдодли ўйинчимиз Зафар Мусбаоев зафар қўчди — 5:0. Аввалги турт тўп муаллифлари Сергей Андреев, Миржалол Қосимов (2 та), Шквирин.

Узбекистон Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)да 3—15 декабрь кунлари буладиган финал ўйинларида қатнашадиган бўлди. Унда 12 та давлат терма жамоаси қатнашади. Ҳозирча бу қатнашчиларнинг олтинчиси аниқланди — Узбекистон. Қолган бештаси — БАА, Япония, Индонезия, Хитой, Саудия Арабистони давлатларидир.

Шоир «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», сатрини топиб айтган экан. Буни тожик биродарларимиз айта-айта уйларига қайтишди. Мамлакатимиз футболчилари эса кўчамизда энди катта байрам бўлиши учун янги курашга тайёргарликни бошладилар. Бугун эса кўчамизда навбатдаги байрам бўлди. Байрам эса ҳамма қувонадиган кун.

МУХБИРИМИЗ.

Европа

ЯНГИ «ЮЛДУЗ»ЛАР КЎРИНА БОШЛАДИ

Футбол... унинг «тузоғи»га илиндингми бас, ҳузур-ҳаловатингдан кечишингга тўғри келади. Борди-ю сен тарафкашлик қилаётган команда ҳал қилувчи учрашувда ютқазиб қўйса борми, ичингда нимадир узилгандек чидаб-чидолмайсан. Аммо ғалабадан кейинги нашиданинг лаззати жўдаям бошқача. Ҳисоб 4:0 ёки 5:0 бўлса борми, унда командангнинг рақибига ҳам ачинасан. «Ҳа, эсиз, шундай кучли команда ютилдия», деган ўй жунбушга солади.

Англия майдонларида давом этаётган 10-Европа чемпионати ана шундай кутилмаган натижаларга бой бўлаётир. Тўғриси, купчилигимиз қитъанинг навбатдаги «тўқнашув»ларида ҳам илгариги «юлдузлар»нинг ўйинларини мириқиб томоша қилиш илинжида эдик.

Афсуски уларнинг аксарияти Англияга келмабди. Масалан, Голландия терма командасини Рууд Гуллитсиз тасаввур қилолмасдик. Назаримда Руди Феллернинг ўрни Германияга анча-мунча билинди. Голландлар чорак финалга чиққан бўлсалар-да, инглизлардан 1:4 ҳисобида енгилди. Буни қарангки, Англия қатор йиллар мобайнида Голландияни мағлубиятга учратолмаган экан. Руслар тўғрисида ганиришнинг ҳожати ҳам қолмади. Италиядан 1:2, немислардан 0:3 ҳисоби билан енгилган Россия терма командасига МДҲ футбол ишқибозлари «бир қучоқ» умид бағишлаганди. Лундасини айтганда Олег Саленко, Сергей Юрансиз улар ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқолмаскан. Гуруҳнинг сўнгги учрашувида руслар чехлар билан дуранг (3:3) ўйнаган бўлсалар-да, барибир масала чатоқ бўлди. Энди Олег Романцевнинг ариза ёзмасдан бошқа чораси қолмади чоғи.

Терма командалар ўйинларини кузатар экан, дунёнинг тенг ярми Италия футболчиларини энг кучли футболчилар деб аташди. Аммо уларнинг ўйини бир «жамият»га тузилганда имкониятлари унчалик ваҳимали бўла олмаслигини камдан-кам мухлис фарқлайди. Алқисса, Италия терма командасидан кўра «Милан», «Сампдория», «Интер» клублари дадилроқ. Бу клублар кубок баҳсларида яхши қатнашгани билан Италия Европа ва жаҳон чемпионатларида кўнгилдагидек ўйнолмайди. Менингча уларнинг жамики чемпионлигини тасодифий деб баҳолаган маъқул. Шунингдек, Франция, Чехия, Испания терма командалари ҳам ўз имкониятларидан фойдалана олмаяпти.

10-Европа чемпионатида ўзига хос ўйин услуби билан қатнашаётган немис футболчиларини ҳам улкан ишонч билан «зўр» деб бўлмайди. Германия нисбатан кучли, бироқ илгаригидек эмас. Берти Фогтсга Франц Беккенбауэрга ишонгандек ишонолмайсан киши. Фогтснинг шогирдлари Россияни 3:0 га з-а-а-а-п ютди. Бунда асосан мағлуб рақиблардаги тушкин кайфият ғолибга мадад бўлди. Агарда руслар таркибидаги айрим «юлдуз»ларда «биз ахир немисларнинг мағрур ва ўткам йигитларидан тузилган «танкер»га қарши майдонга тушаяпмиз, уларни Мостовой билан Коливановнинг тез алдаб ўтишлари «синдиролмайди». Бунинг учун ҳаммамиз бирикишимиз лозим», деган ўй бўлганида эҳтимол немислар мағлуб этилиши ҳам мумкин эди.

Ушбу чемпионатда инглизларнинг «важоҳати» бошқаларникидан «даҳшат»лироқ. Дастлаб улар ўз имкониятларини синаб кўришди шекилли, Швейцария билан 1:1 ўйнади. Қисқаси Англия футболчилари юмшоқ матога ўраб қўйилган темир гурзига ўхшайди. аввал «ҳу, бу латта-ку», дейсиз, бошингизга зарби келиб тушганда довдираб кетасиз.

Европа ва жаҳон чемпионатларида илгаридан мардонавор қатнашиб келган Дания, Болгария, Руминия, Португалия командалари ҳақида гап кетса, барча умидлар пучга чиққандек бўлади. Стоичков, Лаудруп. Лэкэтушларнинг ҳам маҳорати вақт ўтиши билан сусая бошлаганидан афсусланамиз.

«Бенфика»дек машҳур командаси бўлган мамлакатга ҳам дилдан ишқибозлик қилолмайсан.

Турклар ҳақида менинг ожиз фикрим шу: улар ҳамиша Европа ва жаҳон чемпионатларининг саралаш учрашувларида дуруст қатнашади. Шунингдек, команда рўйхатидаги футболчилар ҳам соф турк миллатидан саралаб олинади. Ёмони шуки, ҳаделганда уларнинг омади келавермайди. Уларнинг ёрқин «юлдуз»и ҳам йўқдек.

Чемпионатнинг чорак финалига йўлланма олган Шотландия ва Хорватиядан рақиблар ҳамиша эҳтиёт бўлиб ўйнаган маъқул. Бизга тарихдан маълумки, Англия майдонлари Шотландия футболчилари учун ўз уйларидек гап. Хорватия эса 1990 йилги жаҳон чемпионатидаги Камерун терма командасига ўхшаб ҳар қандай мамлакатни «шалоғини» чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, 10-Европа чемпионати ҳали тугамасданоқ Госкойн, Заммер, Бергкамп, Шеринер, Туркелмаз сингари янги «юлдуз»ларни, кутилмаган ҳисоб-китобларни кашф этадиган кўринади. Футбол шуниси билан қизиқ-да. Ахир кимдир Папен, Баджо, Кулеманс, Куман, Гуллит, Платини сингари «чаққоноёқ»ларнинг ўрнини олиши керак-ку... Мухлислар учун энг муҳими, қолган учрашувларни ҳам «чигал» ёзиб томоша қилиш ҳамда ҳалол баҳо бериш...

Нормурод МУСОМОВ.

САҲНАДАГИ ИЗЛАР

Умр — оқар дарё... Умр — меҳнат, изланиш, улғайиш, қадр топишга имкон.

Ҳаёт мураккаб, унинг суқмоқлари инсонни ҳар томонга етаклаши мумкин, қачонки у тўғри суқмоқлардан дадил одимлай олсагина ўз манзилига эсон-омон етиб боради. Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрининг актёрлари Ҳайитали Низомиддинов, Худоёр Тошпулатов, Муҳаббат Муҳитдиновалар ҳам бугунги қувончли дамларга қадар анча узунгина, изланишларга тўла йўлни босиб ўтди. Келинг, яхшиси, улар ижодига бир қур назар ташлайлик.

● — Асли Жиззах вилоятининг гўзал ва хушманзара Қўйтош қўрғониданман, — дейди Ҳайитали Низомиддинов. — Болалик кезларимда ойнаи жаҳон орқали бериладиган «Экран хандаси», Миниатюралар театрида Эргаш Каримов, Ҳусан Шарипов, раҳматли Ҳасан ака Йўлдошев чиқишларини зўр қизиқиш билан томоша қилардим. Синфдошим Худоёр Тошпулатов (Й. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг актёри) билан ўша телевидение ҳангомаларини хотирамизда сақлаб, ўзимиз ўқиётган қишлоқ мактабидаги тенгдошларимизга, ота-оналаримизга ижро этиб берардик. Болаликдаги қизиқишим 1965 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат) институтига ўқишга киришимга қўмак берди. 1969 йили ўқишни муваффақиятли тугатиб, Самарқанд шаҳридаги вилоят мусиқали драма театрида ўз фаолиятимни бошладим.

Оилали. Турмуш ўртоғи Муяссархон Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида ишлайди. Турт фарзанди бор — Муҳаббат, Сухроб, Рустам, Афросиёб.

●

1974 йили Ҳайитали Низомиддиновни Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрига ишга таклиф қилишади. У утган йиллар давомида «Олтин девор»да Матлаб, «Исқирт сатанг»да Марвон, «Уч мушкетёрлар»да граф Рошфор, «Қорақум фожиаси»да Оқсоқол, «Олов қалблар»да Остонақул, «От кишнаган оқшом»да спектаклида Зиёдулла кал ролларини қиёмига етказиб ижро этди.

●

Агар кимки Худоёр Тошпулатовни шу вақтга қадар танимаган бўлса, «Фарзандим — жигарбандим» спектаклидан сўнг уни билмаган одам қолмади, десак ҳеч муболаға бўлмас. Келинг сизни дастлаб ана шу актёр ҳақидаги маълумотлар билан таништирайлик.

— Албатта, ҳамма ролларимдан кўнглим тўлган эмас, — деб гап бошлади у. — Баъзи ролларни тақсимотда менга берилгани учун, иш юзасидан шунчаки ижро этганман. Баъзан эса бошида унча хуш кўрмай ўйнаган ролларимга вақт ўтган сайин муносабатим, қарашларим узгарган. Узимнинг бутун борлиғимни, қалб ҳароратимни, юрак меҳримни бахш этиб, ижро этган ролларим ҳам бор. Айримларини санаб ўтсам. «Шумтака»да Мошкин, «Тўрт эгизак»да Тўрт эгизак, «Уч мушкетёр»да Арамис, «Ревизор»да шаҳар ҳокими, «Фарзандим — жигарбандим»да Зиёдулла, «Қоқоқвой—Чаноқвой»да Қоқоқвой, «Сен нима учун яшаяпсан»да Рустам, «Кел дуст бўлайлик»да Хушчақчақ бобо, «От кишнаган оқшом»да Зиёдулла...

Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Энг севимли машғулоти узбек халқ эртакларини мутолаа қилиш. Бундан ташқари у яна спорт билан шуғулланишни ҳам ёқтиради.

●

— Муҳаббат опа, инсон ёши улғайган сайин болалиги кечган ширин дамларни қўмсайдими?

— Дунё ичра бир гўзал дунё бўлган болаликни ким ҳам соғинмайди, дейсиз? Ул мунис кунлар бот-бот хотирамда тикланади. Баъзан ҳаяжонлар мени беихтиёр ўша сеҳрли дунёга олиб кетади. 1964йил ўрта мактабни тугатиб, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирдим. Институтни битирганимдан то ушбу кунга қадар Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрида ишлаб келяпман. Ҳозирга қадар юздан ортиқ турли хил спектаклларда рангбаранг образлар яратдим. «Этик кийган мушук»да Мушук, «Олтин тулпор»да Қора момо, «Бургут»да телба аёл, «Ревизор»да Пошлепкина, «Москвалик хола»да, Капитан Рижова, «Оқ кема»да Бекай, «Сенинг тақдиринг»да Шаҳло Муродовна, «Эски Жува гаврошлари»да Саёҳат Отаева, «Ранжком»да фаррош аёл каби образлар шулар жумласидандир.

Турмуш ўртоғи Даврон Муҳиддинов рассом. Икки нафар фарзанди бор.

●

Биз юқорида номлари тилга олиб ўтилган санъаткорларни 50 ёшлик тўйлари билан чин кўнгилдан самимий қутлаймиз келгуси ижодларига улкан ютуқлар тилаймиз. Келажакда улар янгиданянги образлар яратиб, болажонларимизни маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига ўз ҳиссаларини қўшиб юраверишсин!

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Суратларда: 1. «Бўлинган орол» телеспектаклида Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ саксофончи ролида.

2. «Шум бола» спектаклида ўғри домла ролида Худоёр Тошпўлатов.

3. «Меҳр кўп кўргуздим» спектаклида Нозанин ролида Муҳаббат Муҳитдинова.

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда ЩЕНЦОВ ИГОРЬ ВЛАДИМИРОВИЧ номига берилган АО 007800 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда ДАВЛЕТШИН ЗИНУР РАВИЛЬЕВИЧ номига берилган UZC рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Асқар ШОКИР, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6